

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК : 809.92-3
ББК : 81.2(5 Инз)
М - 54

МИРЗАЕВ ТЕМУР АЛИМОВИЧ
ИНДОНЕЗ ТИЛИДА ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР
ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

5A220102 – ЛИНГВИСТИКА МУТАХАССИСЛИГИ

(ИНДОНЕЗ ТИЛИ)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: фил.ф.н., Ҳошимова С.А.

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. Индонез тилида аббревиатураларнинг қўлланилиши	
хақида	12
1.1. Янги сўз ҳосил қилишнинг аббревиация усули ва унинг қўлланиш доираси	16
1.2. Қисқартма сўзларнинг генетик–типологияси	31
II БОБ. Қисқартма сўзларни ҳосил қилинишига кўра турлари. График	
ҳамда лексик қисқартмалар	37
2.1. Инициал қисқартма.	43
2.2. Акроним қисқартма	46
2.3. Бленд (<i>Samprir</i>) қисқартма	49
2.4. Реверсив қисқартма	52
III БОБ. Индонез тилида аббревиация усулида сўз ясалишининг	
имло қоидалари	58
3.1. “Ejaan Yang Disempurnakan” га асосланган аббревиация имло	
қоидалари	59
3.2. Индонез тилига ўзлашган инглиз аббревиатуралари	
имлоси	65
Умумий хулосалар	68
Фойдаланилган адабиёт	
Иловалар	

КИРИШ

“Hitung satu sampai delapan,
Tu-wa-ga-pat-ma-nam-juh-pan.
Eh liat deh udah jam delapan,
Mending kita lanjut yuk kapan-kapan.”¹

“Sedikit demi sedikit, lama-lama jadi bukit”²

Индонез халқ мақоли

“Инсон бош миясининг ажойиб хусусиятларидан бири – бу ташқи ва ички таъсирларга учраши натижасида уларга тўғридан-тўғри жавоб бериши билан биргаликда, шу таъсирлар ҳақидаги сигналларни сақлайди ва қайта ишлагач, ташқи муҳитга юборади, ифода этади.

Бу ўзига хос сигналлар тизимига айланган ҳодисани умумий қилиб “***нутқ***” деб атаймиз”.³ Бу нутқ ёрдамида бошқа васиталарга нисбатан кўпроқ маълумотни, нисбатан тезроқ бир–биримиз билан ўртоқлаша оламиз. Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, асрлар оша жамият билан биргаликда тараққий топиш хусусиятига эга бўлган тил ўзининг луғат таркибини ошириб бориш билан бирга, шаклан – товушлар миқдори жиҳатидан ихчамлашиб, кўпроқ фикр, маълумотни англатиш учун қўлланилади. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Антрополог – олимларнинг таъкидлашларича, инсонларнинг вақт ҳақидаги тасаввурлари ва бунинг натижасида унга бўлган муносабат ҳам сўнгги 4 минг йил мобайнида анча ўзгариб, кейинги 500 йил давомидаги саноат революцияси, буюк кашфиётлар ва илм–фан соҳасидаги янгиликлар натижасида янгилана бошлаган. Инсон учун вақтнинг қиймати ошиб боргани сайин, ундан унумли фойдаланиш, ўринсиз сарфламасдан, вақтни

¹ T. Irawandy Bagas dkk “Kumpulan pantun kontemporer”. Индонез фолклоридан олинган, ***пантун*** жанридаги шеър. Қалин ҳарфлар билан 1 дан 8 гача бўлган рақамларнинг қисқартма шакли қўлланилган.

² Ўзбек тилида «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» мақоли билан таржима қилинади.

³ Ч. Дарвин. “Инсоният тараққиёти ва нутқ” (мақола) 1875. Лондон.

тежайдиган воситаларни ахтариш ҳаётнинг ҳар бир соҳасида зарур масалага айланди.

Инсон ва ҷамият ҳаётининг ажралмас, айтиш мумкин бўлса, уларни мавжудлигининг асосий шарти бўлган тил ҳам кундалаик ҳаётдаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Ҷамият ҳаётидаги янгиликлар тилнинг энг таъсирчан соҳаси бўлган лексикаси – луғат таркибига янги сўзлар олиб келади. Табиийки, инсонлар кундалик ҳаётида учрайдиган, фойдаланиладиган қулайликлар кўпайиши сайин, уларнинг ҳотирада сақлаши, қўллаши зарур бўлган сўзлар кўлами ҳам кенгайди. “XX асрда юз берган кескин ривожланиш ҷамият ҳаётига минглаб янгиликларнинг нисбатанқисқа муддатдакириб келиши, ўз навбатида, уларни ифодаловчи сўзлар, лексик бирликларга эҳтиёж туғдирмоқда. Статистика мутахассисларининг ҳисобига кўра, ўтган аср сўнггида ҳаёт кечираётган замонавий аҳоли эҳтиёжи учун 2 000 000 дан ортиқ маҳсулот, емак, жиҳоз – ускуна, хизмат тури, технология, кийим кечак кабилардан фойдаланар экан.”⁴ Ҳар бир янгиликка уларнинг пайдо бўлиш тезлигида алоҳида янги ном бериш учун замонавий тилларнинг ҳеч бирида етарлича имконият мавжуд эмас. Лекин ҳар хил кўринишга, вазифага ёхуд таркибга эга нарсаларни биз алоҳида, махсус ном билан атаб келганмиз. Бу масала ечимсиздек туюлган пайтда, тилшунослар фанда аввалдан маълум бироқ шу давргача сўз ҳосил қилишнинг маҳсулдор бўлмаган усулларида бўлган – аббревиация усулидан фойдаланиш зарурлигини ечим сифатида кўрсатишди. Шу сабаб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу усул ёрдамида ҳосил қилинган янги сўзлар миқдори луғатлардан ҳам жой ола бошлади.

Вақт, жой ва энергияни тежаш учун қулайлик сифатида пайдо бўлган қисқартма сўзлар нафақат ёзма, балки оғзаки нутқда ҳам кенг қўлланилиб, бирдан ортиқ сўзлар билан ифодаланган қўшма сўзлар, таркибли қўшма отлар, нарса, муассаса номлари, маҳсулот, технологик янгилик, қурилма,

⁴ А.Шилейко, Т. Шилейко “Информация или интуиция?” Мос. 1983

топонимлар – жой номлари, мавҳум тушунчаларни бир сўз миқдоригача келтира олади, бир контекстда бир неча бор такрорлашни олдини олиб, матнни соддалаштиришга хизмат қилади.

Глобаллашув жараёнини тезлаштирадиган воситалар – телевидение, интернет, чет элга саёҳатнинг тез ва арзонлиги ҳамда мамлакатлар ўртасидаги дипломатик, маданий алоқалар ўтган асрларга нимбатан анча мустаҳкам экани тил ҳодисасига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, бизнинг тадқиқот предмети – аббревиацияларни ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш, хатто тайёр ҳолдаги қисқартма сўзларни бошқа тилдан ўзлаштиришга ҳам олиб келди. Бунинг натижасида ҳозирги кунда жаҳоннинг кўзга кўринган деярли барча тилидаги луғат бойлиги қисқартма сўзлар – аббревиацияларни мустақил сўз бирилиги тарзида ўз таркибига киритишга мажбур бўлди.

Қисқартириш натижасида янги сўзларни ҳосил қилиш, мавжуд сўзларни тушунарлилик даражасида баъзи ўринларда қисқартириб сўзлаш ўзининг бир қатор ноқулайликларига ҳам эга.

Маълум бир соҳада кенг қўлланилиб, шу соҳа мутахассисларига ёд бўлган бир қисқартма сўз, бу соҳа ташқарисидаги шахс учун умуман маънога эга бўлмаган ҳарвлар бирикмаси бўлиб чиқиши тез–тез кузатилади. Уни тушуниш зарур жойларда, албатта, махсус матндан фойдаланиш ёки шу қисқартмадан кейин унинг тўлиқ шакли, изоҳига зарурат туғилади.

Мавзунинг долзарблиги. Мазкур магистрлик иши “Индонез тилида қисқартма сўзлар ва уларнинг қўлланиши” мавзусига бағишланган бўлиб, бугунги кунга келиб, ўзбек тилшунослари томонидан индонез тилида сўз ҳосил қилиш усулларининг кенг қўламда, чуқур ўрганилмаганлиги, ўзбек тилида индонез тили грамматикаси, хусусан, морфология – сўз яшаш усулларига бағишланган манба, китобларнинг йўқлиги, республикамизда индонез тили ва маданиятига бўлган қизиқишнинг ортиб бориши, хусусан ТошДШИда индонез тилини ўрганаётган талабаларнинг йилдан–йилга ошиб бораётганганига қарамасдан, юқоридаги масалага бағишланган қўлланма, дарсликлар яратилмаганлиги шу танланган мавзунинг долзарблигини яна бир

бор кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, индонез тили грамматикасининг турли соҳаларини тадқиқ этган изланишлар рус олимлари томонидан олиб борилган бўлиб, А.Навоий номидаги Миллий кутубхонасидан Теселькин А.С. ва Алиева Н.Ф.нинг «Индонезийский язык», «Индонезийский глагол. Категория переходности» (1960, 1975 й.); Аракин В.Д. «Индонезийские языки»; Кондрашкина Е.А.нинг «Индонезия: языковая ситуация и политика» (1986) ва Ушакова Л.И.нинг «Индонезийско–русский учебный разговорник» (Наука, 1972) каби ўқув қўлланмаларидангина фойдаланиш мумкин. Лекин юқорида санаб ўтилган китоб, сўзлашгич ва луғатларда индонез тилида сўз хосил қилишнинг қисқартма–аббревиация усули ва у ёрдамида хосил қилинган сўзларнинг қўлланилиш соҳаларига бағишланган ҳам ўзбек тили, ҳам рус тилида материаллар мавжуд эмас.

Шу сабабли, бизнинг магистрлик иши устида изланиш жараёнида инглиз ва индонез тилида олиб борилган изланишлар, қўлланма, китоблар ва мақолалардан фойдаландик. Умид қиламизки, ушбу магистрлик иши да турли манбаларга суяниб ёритилган индонез тилида қисқартма сўзлар борасидаги материал, биз йиғилган қисқартмалар (уларнинг сони **700** тага атрофида бўлиб,) келажакда яратиладиган дарслик ва луғатлар таркибига киритилади деб умид қиламиз.

Мавзунинг мақсади. Замонавий индонез тилида сўз хосил қилишнинг маҳсулдор усулига айланиб улгурган аббревиация усули ва унинг ёрдамида хосил қилинган сўзларнинг қўлланилиш соҳалари, уларнинг лексик–тематик таҳлилини мисоллар, жадвал ва статистика ёрдамида олиб бориш. Ушбу мақсадга эришиш учун эса қуйидаги вазифалар қўйилди:

1) Аббревиация ва унинг турлари бўлган акроним, инициал терминлари турли тилшунослар тилшуносларнинг нуқтаи назарлари, фикрларига асосланган ҳолда ёритилди;

2) Қисқартма сўзларнинг, аввало, лексик ва график турлари таҳлил этиш: турли контекстларда учрашга кўра мисоллар ёрдамида ёритиш;

3) Индонез тилида қисқартмаларнинг ҳосил бўлишига туртки бўладиган факторлар, турли тенденцияларни аниқлаш;

4) Қисқартмалар кўп қўлланадиган соҳалар белгиланиб, қандай турдаги қисқартмалар фаол ва қайси турдаги қисқартмалар пассив–нофаол қўлланилишини текшириш;

5) Турли манбалар асосида қисқартмалар йиғилиб, соҳага ажратиш ва **индекс** сифатида фойдаланиш фойдаланиш учун 700 га яқин индонез ва кенг истеъмолда бўлган **инглиз тили**⁵даги қисқартмалар рўйхатини тузиш;

6) Мавжуд материал асосида ҳар бир турдаги қисқартмаларга мисоллар келтириб, уларга жадвал ва чизмалар яратиш.

Мавзунинг ўрганилганлиги.

1. Илк бор индонез тилида қисқартма сўзлар, уларни ҳосил қилиш усуллар, уларнинг хусусиятлари индонез, инглиз, рус ва ўзбек тилшунослари нуқтаи назаридан таҳлил этилди.

2. Қисқартма сўзлар йиғилиб, рўйхат шаклига келтирилди. Уларни талаффуз қилишда хатоликларни олдини олиш мақсадида уларнинг транскрипциялари киритилди.

3. Юздан ортиқ қисқартма сўзлар қўлланиш жараёнида жонли нутққа асосланган мисоллар билан мустаҳкамланди.

4. Аббревиатура ва акронимлар таркибида кўп учрайдиган ҳарф ва бўғин ҳамда сўзнинг ихтиёрий танлаб, қисқартириб олинган қисмларни аниқлашда ёрдам берадиган жадвал яратилди.

5. Мавжуд материаллар асосида ўқув жараёнида педагогик фаолиятда қўллаш мумкин бўлган индекс, рўйхат тузилиб, чизма ҳамда жадваллар яратилди.

6. Мавзунинг қанчалар долзарб ва ўзбек тилига қиёслаганда индонез тили доирасида қисқарта сўзларнинг анча миқдорда (ҳисобимизга кўра 3

⁵ *Изоҳ:* Аниқроқ айтганда, ингиз тили доирасида, унинг талаффуз меъёрларига асосланиб тузилган ва халқаро (интернационал) атамаларга айланган (*Мисол:* SMS, Internet, radar, CD disc, TOEFL,)қисқартмалари киритилган.

баробардан ортиқ) қўлланишини кўрсатиш мақсадида – Ўзбекистон ва Индонезия президентларининг бир хил муносабат билан деярли бир ой вақт оралиғида қилган нутқлари таркибида қўлланилган қисқартмалар сони ҳисоблаб чиқилди.

Ишда қўлланган илмий-назарий методлар. Магистрлик ишида систематика, жадвалга солиш, тарихий-хронологик ҳамда миқдорий методлардан фойдаланилди. Турли қисқартма сўзларнинг умумий ва махсус моделларини аниқлашда технологик метод ҳам кенг фойдаланилди. Бунга сабаб, индонез, инглиз тилларидаги кўплаб манбалар, жумладан, бир нечта индонез тилидаги илмий ва бадиий асар, 10 га яқин газета ва журнал, 10 дан ортиқ махсус мақола, 30 дан ортиқ инглиз ва индонез тилларидаги интернет сайтларига мурожат қилиш зарур бўлди.

Қўлланилган манбалар. Асосий манба сифатида индонез тилида: Sneddon, James N.⁶, Hasan Alwi, J.Echols ҳамда H.Shadily, Umi Fadlilah⁷; Малайзия тилида: Goddard C., Medik S., Conley Graig, Partridge E.⁸; рус тилида: Н.А.Курило⁹, М.Мирзоева¹⁰, Л.П.Ступин, Д.Аракин ва А.С.Теселькин ҳамда ўзбек тилида: Аликулов З.А.¹¹ А.Ҳожиёв, Ш.Шоабдурахмонов ва М.Асқарова маълумотларидан, индонез миллатига мансуб Августинус Вибово, Русмейлиа Ленггогени, Розалина Тобинг, Гн.Фарайдито, Гн.Аденан каби дўстларнинг қимматли маслаҳат, ёрдамлариги суянилди. Бундан ташқари, йиғилган материалларни бевосита Индонезия Республикасида бир йиллик таълим вақтида ишнинг бир қисмини

⁶James N. Sneddon. Understanding Indonesian grammar: a student's reference and workbook. Allen & Unwin 2000 Sneddon, James N. The Indonesian language: its history and role in modern society. UNSW SYDNEY 2003

⁷ Fadlilah, Umi. Unsur humor, makna, dan fungsi anekdot humor suroboyoan. Skripsi Surabaya. UNESA 2007

⁸ Partridge, Eric. Origins. A Short Etymological Dictionary of Modern English. Routledge. London 1958/2006

⁹ Н.А. Курило “Сокращения в современном английском языке: функциональный аспект” (Автореферат. Диссертационная работа) Минск, 06.05.2005.

¹⁰ М.М. Мирзоева Сокращенные слова в русском языке и таджикском языках. Автореферат. Душанбе, 2006. 76.

¹¹ З.А. Аликулов Аббревиатуры в современном узбекском литературном языке. Диссертация на соискание ученой степени кандидата фил. наук. Таш. 1976.

текшириб кўришга ва мисоллар билан таъминлашга муваффақ бўлдик. Қолган материалларни интернет воситасида мақола, газета янгиликлари, индонез тилида электрон ёзишмаларда қўлланилган матнлар, *El-Shinta* ва *Sanora*¹² радио станциялари дастурлари мобайнида компиляция қилинди.

Қўлланиш доираси. Мазкур материал ўқув-педагогик фаолият давомида турли грамматикага доир қўлланма, дарслик яратишда, тез орада яратиш режалаштирилган “Индонез-Ўзбек” ва “Ўзбек-Индонез” луғатлари учун тайёр манба сифатида қўллаш мумкин. Ундан ташқари, бу ерда келтирилган изланиш натижалари индонез тили морфологияси – сўз хосил қилиш усуллари мавзусидаги лекцияларда, таржима назарияси ва амалиётида фойдаланиш билан бирга таржимонларнинг сиёсий контекст доирасида касбий фаолиятларида қўл келиш мумкин.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Диссертация иши кириш, асосий қисм, хулоса, қўлланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат бўлиб, асосий қисм 3 бобга ажратилган. Биринчи боб “Индонез тилида қисқартма сўзларнинг қўлланиши ҳақида” деб номланади ва 2 фаслдан иборат. Иккинчи боб “Қисқартма сўзларни хосил қилинишига кўра турлари. График ҳамда лексик қисқартмалар” деб номланиб, 4 фаслдан иборат. Учинчи боб. “Индонез тилида аббревиация усулида сўз ясаилишининг имло қоидалари” деб номланиб, икки фаслдан иборат.

Хулоса қисмида материал асосида келиб чиққан хулосалар, эришилган натижалар келтирилиб, кейинги бу мавзуга мурожат қиладиган талабаларга тавсиялар берилган.

¹² <http://www.surfmusic.de/country/indonesia.html>

I БОБ. ИНДОНЕЗ ТИЛИДА ҚИҚАРТМА СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ҲАҚИДА

Индонезия худудида истиқомат қиладиган 300 дан ортиқ элат бирлашиб, бир хал қбўлишида, бир ватан байроғи остида ҳамжиҳатликда мустақил юртда яшаш йўлидаги илк қадам 1928 – йилининг 28–октябрь санасида қўйилди. Яъни, Индонезия тарихида “Sumpah Pemuda” (Ёшлар Қасамёди) номи билан жай олган ушбу кунда Индонезиянинг турли ўлкаларидан Жакартага йиғилган ёшлар Конгрессда қуйидаги сўзлар битилган ҳужжатга имзо чекдилар:

“Биринчи: Биз Индонезия фарзандлари киндик қонимиз тўкилган ягона заминни тан оламиз, бу Индонезия замини;

Иккинчи: Биз Индонезия фарзандлари ягона халқни тан оламиз, бу Индонезия халқи;

*Учинчи: Биз Индонезия фарзандлари ягона тилни тан оламиз, бу Индонез тилидир”.*¹³

Юқорида таъкидланган фикрнинг исботи сифатида миллионлаб Индонез халқини Индонезия заминда тотув яшаб, ривожланишда Индонез тилининг аҳамияти улкан. Буни олдиндан сезган Индонезиянинг интеллегенция – зиёлилар қатлами, илғор ёшлари миллий тил сифатидаги мавқеъига кўтарди ва 1945–йили расмий равишда шу йилдаги Конституциянинг XV боб, 36–бандида белгилаб қўйилганидек, умумий давлат тили сифатида тан олинди.

Умумий тил сифатида Индонез тили қуйидаги вазифаларни бажаради¹⁴:

- 1) миллий ифтиҳор тимсоли;
- 2) миллий ўзликни англатувчи тимсол;

¹³ “«Sumpah Pemuda» dan Pembinaan Bahasa”. Artikel koran.

¹⁴ M. Barnes “Bahasa dan Politik: Wacana Politik dan Plesetan” oleh, Malang 2004.

3) маданий ва тили жиҳатидан турли миллат вакиллари бирлаштирувчи; ҳамда

4) турли маданиятга эга бўлган ҳудудларни боғловчи восита.

Унчалик кўп давр ўтмаган бўлишига қарамай, ҳозирги кунда индонез тили дунё тиллари таснифида сўзлашувчилар сонига кўра дунёда 8 – ўринни эгаллаган бўлиб, 200 млн.дан ортиқ сўзловчиларига эга. Жаҳоннинг 50дан ортиқ давлат университет, институтларида ўрганилади ва ўқув дастурига киритилган. Бизнинг юртимиз ҳам шу давлатлар қаторига кириб қўшилди. Бу маълумот Индонезиянинг индонез ва инглиз тилларида чиқадиган даврий нашрларда эътироф этиб ўтилаябди. Мисол учун Институтимизда 2006 йилда бўлган Августинус Вибово¹⁵ ва 2007-йилда Росмейлиа Ленггогени¹⁶ каби журналистлар ўз мақолаларида Институтимиздаги индонез тили йўналиши ва талабалари ҳақида батафсил мақолаларида маълумот бериб ўтишган.

1-БОБ. Индонез тилида қисқартма сўзларнинг қўлланиши ҳақида умумий маълумот.

Индонез тили ёш миллий тиллар қаторига кириб, бунинг натижасида тез-тез лингвистик ўзгаришларга учраш жараёни ҳали давом этаётганини кузатиш мумкин. Бу ўзгаришлар айниқса лексик соҳада яққол кўзга ташланади. Лексик соҳанинг ичида эса неологизмлар қатори аббревиация усулида ҳосил қилинган сўзлар салмоқли ҳиссага эга. Замонавий индонез тилида қисқартма сўзларнинг кенг қўлланилиши ушбу мавзунини ўрганишимизга сабабчи бўлди.

Аббревиатура (итал. *abbreviatura* – қисқартма <*abbrevia* – қисқартираман <*brevi* – “қисқа, ихчам”) 1) Лингвистикада: сўз бирикмаларини қисқартириб ҳосил қилинган сўзлар:

а) бирикма таркибидаги сўзлар биринчи ҳарфлари алифбо тартибида ўқилади ёки оддий сўз – ҳарфлар англатган товушлар каби талаффуз этилади.

¹⁵ *Agustinus Wibowo*. KOMPAS “Berkelana Ke Negeri-Negeri STAN” | 16.05.2008

¹⁶ *Rusmailia Lenggogeni*. Jakarta Globe “INDONESIAN GOES GLOBAL” | February 24, 2011

Мас. БМТ (бэ-эм-тэ) (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти), МДХ (эм-дэ-хэ) (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги);

б) Мураккаб қисқартма сўзлар: сўз бирикмалари таркибидаги сўзлар биринчи ҳарфларидан ташқари, улар маълум қисмлари (морфемалари) олиниб ясалади. Мас. ЎзР., юрфак, филфак (юримика, филология факультети)¹⁷

Аббревиация усулига кўра, бир бутун ҳолда қўлланадиган атамалар ясалади. Аббревиация усулида ясалган от *қисқартма* от ёки *аббревиатура* дейилади.¹⁸

Бу усулда сўз яшаш фақат от туркуми¹⁹га хос бўлиб, ўзбек тилига рус тилидан айнан кирган. Масалан, ВАК – Высшая Аттестационная Комиссия (Олий Аттестация комиссияси).²⁰

Инглиз тилининг энг кўп мурожат қилинадиган ва ишонарли луғати маълумотида кўра: *Аббревиатура* - 1) сўз ва ҳ.к.ларнинг қисқарган шакли; 2) бирор сўз, қўшма от кабиларни қисқартириш жараёни.²¹

Кўпчиликка маълум бўлиб улгурган, кенг истеъмолда бўлган аббревиациялар жуда кўп бўлишига қарамай, газета, телевидение ёки журналлардан бир-оз беҳабар қолсангиз, янги қисқартма сўзга кўзингиз тушади. Кенг омма қўллайдиган луғат бойлигининг ажралмас қисми қисқартма сўзлар ва шу усулда яратилган неологизмлардан иборат. Бунга сабаблардан бири қилиб, индонез тилидаги сўзларнинг қисқа экани (кўпчилиги 2дан 3гача бўғиндан иборат) ва улар бир ундош билан бир унлининг алмашилиб келишидан тузилиши деб айтиш мумкин.

Даврий нашр саҳифаларида сиёсий соҳа билан бир қаторда тижорат, спорт ва маданият рукнларида ҳам шу соҳанинг ўзига хос қисқартмаларини

¹⁷ Ўзбекистон Энциклопедияси. 1-том. Тош. 2000, 16-17-бетлар.

¹⁸ М. Асқарова, К. Қосимова, Ҳ. Жамолхожаев. Ўзбек тили. Т.: Ўқитувчи. 1989. 89.

¹⁹ **Изоҳ:** бу таъриф индонез тили учун тўғри бўлмай, ишимизда кўрсатиб ўтганимиздек, аббревиация ҳодисаси деярли барча сўз туркумларида юз беради.

²⁰ М. Асқарова. *Кўрсатилган китоб*: 90 бет.

²¹ Oxford Advanced Learner's Dictionary. 7th edition. London. 2005. p.2

кўриш мумкин. Мухаррирларнинг эътиборсизлигига қарамай, кўпчилик аҳолига номаълум қисқартма сўзлар ҳам учраб туради.

2008 йилда чиққан “The Manila Times”²² газетасининг сонларидан биридаги мақолада ҳам “..ҳозирда индонез тилида меъёрдан ортиқ аббревиатураларни қўллаш одат тусига кирди, айти даврдаги тил модасига айланиб қолаябди. Кун сайин янги қисқартмалар ясаиб, аҳолига таништирилсада (кўпинча унга ўрганиш бўлгунича “... шу аббревиатурадан сўнг тўлиқ шаклни қавс ичида бериб борилади”²³), уларнинг кўпчилиги чет эллик тил ўрганувчиларига қийинчилик яратиш билан биргаликда, туб аҳоли адашувига ҳам сабаб бўлади”.

Кенг омма учун маълум бўлган қисқартмалардан ташқари, ҳар соҳа (тиббиёт, инженерлик, кимё, иқтисод, ҳарбий ва тилшунослик каби соҳалар) нинг ўз қамровида тез-тез ишлатиладиган фаол аббревиатуралар ҳам мавжуд. Бу соҳа билан таниш бўлмаган шахс учун табиийки бундай сўзлар маъносиз ҳарфлар йиғиндиси бўлиб қолаверади.

1.1. ЯНГИ СЎЗ ХОСИЛ ҚИЛИШНИНГ АББРЕВИАЦИЯ УСУЛИ ҚЎЛЛАНИШ ДОИРАСИ

Индонез тилида қисқартмалар қанчалик кенг тарқалгани ҳақида тасаввурга эга бўлиши учун энг аввало турли соҳа нуқтаи назаридан бу жараёнга қараб кўриш мақулдир. Шу сабаб қуйидаги соҳалар бўйича қисқартма сўзларга мисолларни кўриб чиқиш мумкин:

²² Филиппинда нашр қилинадиган инглиз тилидаги рўзнома. Интернетдаги нусхасидан.

²³ “Ejaan yang disempurnakan” – Singkatan.

– Сиёсат, сиёсий фаолият, сайлов ва ҳ.к.²⁴

ASEAN – Accosiation of South-East Asian Nations

BAPPENAS – Badan Pembangunan Nasional (Миллий тикланиш қўмитаси)

PBB – Persatuan Bangsa-Bangsa (БМТ)

DKI*²⁵ – Daerah Khusus Ibukota (Махсус пойтахт ҳудуди)

DPR – Dewan Perwakilan Rakyat (Индонезия Олий вакиллик органи)

Golkar – Golongan Karyawan (Ишчилар партияси)

HAM – Hak Asasi Manusia²⁶ (Инсон ҳуқуқлари)

SBY* – Susilo Bambang Yudhoyono (президент инициаллари)

Индонез тилида қисқартмаларнинг қанчалик кенг қўлланиши ва фаол лексик қатламга ўрнашганини расмий ва стандартлаштирилган нутқ саналадиган президент нутқи таҳлили билан кўриш мумкин. Бу мақсадда Ўзбекистон ва Индонезия президентларининг бир хил муносабатда ва деярли бир вақтда, фақатгина 15 кун фарқ билан, сўзлаган нутқлари – мустақиллик байрамидаги мурожатлари матнини танлаб олинди.²⁷ Қуйида шу нутқда қўлланилган қисқартмалар статистикаси келтирилган.²⁸

<i>Президент</i>	<i>Нутқ нима муносабат билан сўзланган?</i>	<i>Нутқ матнининг ҳажми ва қисқармалар сони</i>
-------------------------	--	--

²⁴ Ҳукуматнинг барча вазирликлар номланиши қисқартма шаклида кенг қўлланилади. Шу сабаб уларни ва бошқа қисқартмаларни фақат иловада келтиришга қарор қилдик. Иловада уларнинг тўла ёйилмаси, таржимаси (агар бўлса, ўзбек тилидага муқобили) ва зарур ўринда мисоллар ҳам берилди.

²⁵ “*” белгилари қисқартмалар алоҳида ҳарфлаб талаффуз қилинади. Қолган қисқартмалар бир мустақил сўз тарзида айтилади.

²⁶ Kamus Besar Bahasa Indonesia (edisi ketiga). Balai Pustaka. Jakarta, 2005

²⁷ И.А.Каримов нутқи - www.press-service.uz

С.Б.Ўудойоно нутқи - <http://www.presidentku.com/?p=1476> сайтларидан олинди.

²⁸ Шу нутқларнинг тўлиқ матни учун ИЛОВА №3 га қаранг.

И.А.Каримов	Ўзбекистон Респ. Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган нутқи. 1.09.2009	2680 та сўз, 142 та гапдан иборат нутқ. 8 та қисқт – барчаси инициал қ. 0.298 – 0.3%
Суило Бамбанг Йудойоно	Индонезия Респ. Мустақиллигининг 65 йиллигига бағишланган нутқи. 16.08.2009	4200 сўз, 238 гап. 41 қисқартма - 15 график турдаги, 26 инициал қисқ. 0.98%
		<i>2 нутқдаги қисқартма сўзларнинг миқдорий фоизлар қиёси:</i> 0.98% / 0.298 % = 3.04 баробар

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибди-ки, Ўзбекистон Респ. прзиденти нутқи матни **2680** сўздан иборат бўлиб, ундан **8** таси қисқартма сўздир. Индонезия президенти нутқи эса **4200** сўздан иборат ва унинг ичида **41** қисқартма сўз қўлланилган. Матндаги сўзларнинг миқдорини тенглаштириш мақсадида фоиз миқдори ҳисоблангандан ўртача Индонезия президенти нутқида **3.04** баробар кўп қисқартма сўзга мирожат қилинган.

Дейл Карнеги таърифи билан айтганда, ҳар қандай оммавий нутқ ўз тингловчисига мосланган бўлиши, равон ва тўғри интонация ва дикломациядан, зарур имо-ишоралардан ташқари максимал даражада тушунарли ва таъсирли бўлиши зарур.²⁹ Шундай экан, юқоридаги нутқни тингловчи индонез халқи учун бир (ўртача олганда 20-30 дақиқали) нутқда 40 та атрофида қисқартма сўзнинг қўлланиши шу жамият учун меъёрий

²⁹ D.Carnegie. How to speak publicly. Simon&Schuster. NY. 1959.

саналиб, бошқа контекст, соҳаларда ҳам қисқартма сўзларнинг қанчалик кенг тарқалгани ва фаол қўлланишини кўрсатиб беради.

– Таълим соҳаси

DEPDIKNAS – Departamen Pendidikan Nasional (Миллий Таълим Бошқармаси / Вазирлиги)

IKIP – Institut Keguruan Ilmu Pendidikan (Педагогика институти)

OrMah – Organisasi Mahasiswa (Талабалар уюшмаси)

S1, S2, S3 – stratum 1,2,3 (бакалавр, магистрлик ва докторлик даражалари лотин тилидан олинган “**stratum**” – *даража, мавқеъ* сўзининг бош ҳарфидан тузилган ва шу маънода умумий қабул қилинган илмий даража номлари ҳам кенг қўлланилади.)

TK* – Taman kanak-kanak (болалар боғчаси)

Университет номлари:

IPB – Institut Pertanian Bogor / - Bogor / Jawa Barat³⁰

ITB – Institut Teknologi Bandung / - Bandung / Jawa Barat

ITS – Institut Teknologi Sepuluh November / - Surabaya

UGM* – Universitas Gajah Mada / - Yogyakarta

UI* – Universitas Indonesia/ - Depok

UNAIR – Universitas Airlangga / - Surabaya / Jawa Timur

UNDIP – Universitas Diponegoro / - Semarang

UNEJ – Universitas Negeri Jember / - Jember

UNHAS – Universitas Hasanuddin / - Makassar

UNILA – Universitas Lampung / - Bandarlampung

Universitas Mataram – Mataram

UNJ – Universitas Negeri Jakarta / - Jakarta

– Спорт

Bonek – bondo nekad

KONI – Komite Olahraga Nasional Indonesia

³⁰ Индонезиядаги йирик таълим муассасалари – университет номлари асосан қисқартирилган номлари билан танилган. Деярли барча уларни ёйилмасисиз ҳам тушинади.

PERSEBAYA – *Persatuan Sepakbola Surabaya*

PSSI – Persatuan Sepakbola Seluruh Indonesia

Timnas – Tim Nasional

– Ҳарбий ва полиция кучлари

KADAM – Komando Daerah Militer

KDRT* – Kekerasan Dalam Rumah Tangga

POLRI – Polisi Republic Indonesia

Satpam – Persatuan Pengaman

TNI* – Tentara Nasional Indonesia

– Бизнес ва Иқтисодиёт

ATM* – Automatic Teller Machine (банкомат)

BNI* – Bank Nasional Indonesia (Индонезия миллий банки)

BPK* – Badan Pemeriksa Keuangan

IWAPI – Ikatan Wanita Pengusaha Indonesia

Kadin – Kamar Dagang Dan Industri (Савдо ва Саноат

Палатаси)

KPK* – Komisi Pemberantasan Korupsi

PT – Perseroan Terbatas (LTD.)

– Хизмат кўрсатиш, энергетика, транспорт соҳаси

angkot – angkutan kota

bbm³¹ – bahan bakar minyak (бензин ва бошқа ёнилғи

турлари)

bemo – becak bermotor

bunbin – kebun binatang

dugem – dunia gemerlap

PC* – Personal Computer

³¹ Расмий шартли қисқартма бўлган ушбу сўз шунчалик кенг тарқалгаанидан индонез тилининг оғзаки тилида бензин сўзи қўлланилганини камдан-кам учратиш мумкин.

PERTAMINA – Perusahaan Minyak Nasional

SIM – Surat Izin Pengemudi

SPBU – АЁҚШ (Автомобилларга ёқилғи қуйиш

шаҳобчаси)

warkop – warung kopi³²

warnet – warung internet

wartel – warung telepon³³

– Тиббиёт соҳаси

balita – bawah lima tahun

THT – Telinga, Hidung, Tengorokan

Dok – dokter

narkoba – Narkotik Dan Obat-Obat Berbahaya

baduta – Bawah Dua Tahun

Бу ўринда соҳаларнинг фақат бир нечтаси мисол келтирилди ва бу ўриндаги қиқартмалар фақат кенг тарқалгани келтирилди.

Индонез тилида аббревиатураларнинг кўп экани ва бунинг салбий оқибатлари ҳақида миллий даврий нашрда ёзилган мақола шундай бошланади: “Индонезиянинг келажагига денгиз ва дарё тошқинларидан кўра аббревиатуралар тошқини кўпроқ ҳавф солмоқда.”³⁴

Тилшунос олим Pak Arjan нинг фикрича, индонезларнинг қисқартма сўзлардан фойдаланишни мақул кўришига сабаб – уларни (қисқартма сўзларни) ёйилмага нисбатан талаффуз қилиш осонлиги билан бирга, ёзиш ва суҳбатда кўпроқ маълумот алмашиш имконини беришида экан.³⁵ Асосий масалалардан бири деб, тилшунос олимлар индонез тили лексикасида аббревиатура ясалишида маълум бир қатъий орфографик қоидаининг ишлаб

³² Kamus Besar Bahasa Indonesia (edisi ketiga). Balai Pustaka. Jakarta, 2005

³³ Кўрсатилган луғатдан: hal. 1269

³⁴ Kompas Online, Jakarta Daily 5 March 1997.

³⁵ Pak Arjan . Sosio-linguistik dan Peran bahasa, Jakarta, 2007

чиқилмаганлигини кўрсатиб ўтишади. Асосий орфографик қўлланма саналадиган EYD³⁶ (Ejaan Yang Disempunakan) да эса бу қиқартмалар мавзусига доир фақат қисқа тўхталиб ўтилади. Бу қоидалар ҳозирги кундаги қиқартмаларнинг фақат маълум турлари нисбатангина тегишлидир.

Австралиялик йирик Индонезшунос олим James Sneddon (Жеймс Снеддон) ўзининг машҳур асарида³⁷ индонез тилининг тарихи ва бугунги ҳолати билан бир қаторда, аббревиатуралар ҳақида ҳам бир қатор қизиқарли кузатишлар келтирилган. Қиқартма сўзларининг оммалашуви энг аввало, 1950-йилларда бошланиб, айнан сиёсий соҳа асосий турткига сабабчи бўлган³⁸. Бу жараённинг танқидчилари фикрича бундан мақсад, президент Сукарно ҳукумати даврида хусусан Сукарнонинг ўзи нутқларида, чиқарилаётган қарорларда сўзларнинг жарангдорлигини ошириш, эски ғояларга янгича оҳанг, руҳ бериш бўлган. Шу даврда ҳосил қилинган қиқартма сўзлар ярим асрдан ошиқ вақт ўтибдики, ҳалигача индонез тили доирасида истеъмолда эканини кўриш мумкин.

Буларга:

NTT – Nusa Tenggara Timur

PKI – Partai Komunis Indonesia

TKM – Tentara Keamanan Masyarakat

TNI – Tentara Nasional Indonesia

Лекин бу тор доирада бошланган янги сўз ҳосил қилиш усули тез орада *занжир реакцияси* мисол бошқа соҳаларда ҳам жадал ривожланиб кетди. Энг аввало сиёсий соҳани ёритиб берадиган даврий нашрлар, айниқса ҳукумат газеталари³⁹ да бу тўғридан-тўғри ўз аксини топди.

³⁶ EYD – Ejaan Yang Disempurnakan.

³⁷ Sneddon, James N. *The Indonesian language: its history and role in modern society*. University of New South Wales Press Ltd, . Australia 2003. 145-149 б.

³⁸ Dardjowidjojo, Soenjono (1979) Acronymic patterns in Indonesian. Australian National University, Canberra, p.s 143–60

³⁹ Jakarta Pos, Kompas, JawaPos, Seputar Indonesia, Jakarta Daily каби.

Йиғилиб таҳлил қилишда фойдаланган қисқартма сўзларни иловада рўйхати келтирилган. Ушбу рўйхатда “Р” харфи билан бошланадиган аббревиатуралар кўп микдорда учрайди. Бунга асосий сабаб, Индонез тили грамматикасида янги сўз хосил қилишда *pe – an* от ясовчи конфикси⁴⁰нинг сермахсуллиги бўлса, иккинчи сабаб, деярли барча партия, сиёсий уюшма, жамолар ва гоҳида қарор номлари ҳам қисқартирилган ҳолда ишлатилиб, улар шу харф билан бошланади. Бунга ёрқин мисол сайлов статистикаси ёрдамида келтириш мумкин: Индонезияда бўлиб ўтган сўнгги вакиллик органи – Dewan Perwakilan Rakyat (DPR) га сайлов 2009-йилда бўлиб, унга 38 сиёсий партия иштирок этган. Қуйидаги расм⁴¹ шу партияларни ифодалайди:



⁴⁰ James Neil Sneddon “Understanding Indonesian grammar: a student's reference and workbook” китобига кўра бу атама ўрнига “циркумфикс” атамаси қўлланилган.

⁴¹ WWW.DPR.ID/PARTAIPOITIK сайтидан олинган.

ва уларнинг 7 тасигина оддий, тўлиқ номи билан аталиб, қолган барчаси (31 таси) ўз номининг қисқартмасига эга. Шу қисқартма шаклида ташвиқот ишларини олиб боради ва нутқларида уларни тинимсиз ишлатиб, умуман ёйилмасини қўлламасликлари ҳам мумкин. Сайловда махсус партияни қўллаб-қувватламаган, у ҳақида маълумотга эга бўлмаган сайловчи партиялар номига қараб уларнинг йўналишларини умуман аниқлай олмай қолиши ҳам юз беради, чунки ҳамма индонезлар ҳам 40 га яқин партиялар сайлов-олди дастурини тинглай олмаслиги мумкин. Шу диссертация ишини ёзиш мобайнида жуда кўп сиёсий қисқартмалар ҳақида саволга, индонезларнинг ўзлари ҳам барча қисқартмалар қайси сўзлардан иборат, ёйилмаси, маъноси қандай эканини билмасликларини тан олишади. Шунга қарамай, индонезларнинг сўзлар, иборалар ва баъзи ўринларда бутун бир гапларни⁴² қисқартиришга бўлган иштиёқи жуда баланд.

Қисқартма сўзларнинг индонез тили лексикасида кўпайиб боришига яна бир омил – бу тарихан сўзлардаги бўғинлар одатда очик бўғинли экани, 2 дан ортиқ ундош товуш бирга келмаслиги ва ниҳоят индонез алифбосида ундош ҳарфлар мустақил ҳолда ҳам чўзиқроқ талаффуз қилинишидир. Сўнгги келтирилган омил айниқса инициалли қисқартмаларнинг талаффузини енгиллаштириб, оддий сўз каби боғланишига имкон яратади, қисқартманинг кўпроқ, кенгроқ қўлланишига олиб келади.

Қисқартма сўзларнинг бугунги кунда индонез тили луғат бойлигининг салмоқли қисмини ташкил қилиши билан бир қаторда, индонез тилини чуқурроқ даражада ўрганаётган чет эллик талабалар учун маълум маънода тўсиқ бўлиб хизмат қилади. XX асрнинг сўнгги 15 йили аббревиатуралардан фойдаланиш тенденцияси кузатилиб, уларнинг сони ва кўлами телевизор, интернет ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожини билан ошиб кетди ва асосан инглиз тили таъсирида қисқартмалар тайёр ҳолда ҳам ўзлаштирила бошланди. Ушбу даврда истеъмомга кирган аббревиатуралар :

⁴² TTDJ – Hati-hati di jalan; KDRT = Kekerasan Dalam Rumah Tangga; Pildacil = Pemilihan Dai Cilik = Dai (dai cilik = kyai cilik)

SMS, MMS, WWW, webcam, cellphone, internet, e-mail, DJ, VIP, B&B каби юзга яқин мисолларни киритиш мумкин. “1990-йилларда Индонезия аҳолиси турмушига бундай янгиликлар оқимининг кескин кўпайиши, уларни ифодалайдиган сўзларни она тили доирасида ижод қилишга улгурмаслик охир оқибат кириб келган *меҳмонларни ўз* номлари билан аташга ва тилнинг фаол луғат таркибига кириб келишига олиб келди”⁴³. Даврий нашрларда, ТВ ёки интернетда тез-тез кузатиш мумкинки, бундай қисқартма сўзлар матн ичида қўлланиб, баъзида шу сўзни бошқа сўзлардан қия шрифт – курсив билан ажратилади.

1) “Dia ada sedikit *backup* dalam *CD* di Jakarta, tapi semua foto *Balinya* sama daftar *e-mail* teman-teman sudah hilang”. (Газета мақоласидан⁴⁴)

2) “Beli *HP* Nokia 6300 sampai akhir bulan April. Untuk info lebih lanjut klik *linknya* yang berikut ini”. Журналнинг элетрон манзилидан.

3) “Kalau ada, Temur kasih saya *fbx* ato nomor telp. ganti *SMS*”.
Чатдаги диалогдан

Бу янги ўзлашган қисқартмалар кўп ҳолларда маҳаллий (бу ўринда Индонез тили) фонетика, орфография қоидаларига мослашмаган ҳолда ўзлашиб, ғалати истисноликларга ҳам олиб келганлигини кузатиш қийин эмас. Ушбу фикрнинг исботини кенг қўллашдаги асосан техник анжом, хизматлар билан боғлиқ АС, WС, hape, АТМ, CD, РС, webcam, қисқартма сўзлар мисолида кўриб чиқиш мумкин.

<i>Аббревиатура ва</i>	<i>Инглиз</i>	<i>Қандай</i>	<i>Аслида қандай</i>
------------------------	---------------	---------------	----------------------

⁴³ Melanie Barnes “Bahasa Dan Politik: Wacana Politik Dan Plesetan”. September 2004

⁴⁴ http://www.avgustin.net/blog/index.php?title=february_9_2007

<i>унинг ёйилмаси</i>	<i>тилида қандай</i>	<i>талаффуз қилинади</i>	<i>тал. қилиниши керак</i>
1. AC – air conditioning (кондиционер)	/эй-си/ ⁴⁵	/а-сэ/	/а-чэ/
2. ATM – automatic teller machine (банкомат)	/эй-ти-эм/	/а-тэ-эм/	/а-тэ-мэ/
3. CD – compact disc (компакт диск)	/си-ди/	/си-ди/	/чэ-ди/
4. Fb – facebook (ижтимоий сайт)	/эф-би/	/эф-би/	/фэ-бэ/
5. Hape – HP – handphone (уяли телефон)	/эйч-ни/	/ха-нэ/	/ха-нэ/
6. PC – personal computer (персонал комп.)	/ни-си/	/ни-си/	/ни-чэ/
7. WC – water closet (ҳожатхона)	/дабл-ю-си/	/вэ-сэ/	/вэ-сэ/
8. Webcam – web camera (вебкамера)	/веб-кэм/	/веб-кэм/	/веб-чам /

Юқоридаги мисолларда келтирилган қисқартмалар билан боғлиқ бу мустасноликларни билмаган ўқувчи ва тил ўрганаётган талабаларнинг тез-тез ҳато қилишлари ёки индонез тилида гапирадиган аҳоли билан суҳбатда

⁴⁵ *Изоҳ:* Сўзлар транскрипцияси ўзбек алифбоси ҳарфлари билан берилган.

кийинчиликларни келтириб чиқаради. Қисқартмалар билан боғлиқ нарсалар тез аҳоли ҳаётига кириб келгани сабаб, уларнинг муқобилини топиш ёки индонез тили талаффузи меъёрларига мослаштиришга улгурмайин, борлигича кенг истеъмолга кириб улгурди.

Қуйидаги қисқартма сўзлар шаклий “эгизакли” қисқартмалар бўлиб, бир қарашда қайси бири қандай ёйилма шаклга эга эканини аниқлаш қийин.

Масалан, Н. Ҳарфига индонез тилида 2 график қисқартма мавжуд. бири – **Hijriah** (*Ҳижрий йилни*), иккинчиси **Haji** (*Ҳаж сафарига борган кишиларни*) маъносига эга. Лекин контекст ёки инглиз тили ибораси билан айтганда сўзнинг “**collocation**⁴⁶” бу масалада ёрдам беради. Мисол учун, *ҳижрий йилни* англатган қисқартма одатда йилни англатган рақамлардан кейин ёзилади (*1456 Н.*), *ҳожини* англатган қисқартма бевосита шу киши исми олдидан қўйилади (*Н. Adenan*).

Махсус луғат бўлмаган шароитда фақат контекст орқали маъносига етиб бориладиган қолган *эгизак* қисқартмалар қуйидагилардир:

- **demo** – **delman bermotor** (транспорт воситаси тури)
- **demo** – **demonstrasi** (оммавий номойиш)

- SIM – Surat Izin Mengemudi (Ҳайдовчилик гувоҳномаси)
- SIM card – (уяли телефон СИМ картоси)
- SBY [*es-be-ye*] – Susilo Bambang Yudhoyono (Индонезия Респ.нинг амалдаги президенти инициаллари)
- Sby – Surabaya (шаҳар, шарқий Ява провинцияси пойтахти)

Энг сўнгги мисолларни контекст орқали ажратишдан ташқари уларни шаклан ҳам фарқлаш мумкин. Агар “**s-b-y**” ҳарфларининг фақат бош ҳарфи

⁴⁶ Oxford Advanced Learner’s Dictionary. p. 293.

Изоҳ: “**col** – бирга, яқин, **location** – жой, ўрин” маъносини англатиб, бир сўз билан одатда бирга келадиган, ёнма-ён юрадиган сўзларга айтилади.

катта билан ёзилган бўлса, у ҳолда бу шаҳарни, барча ҳарфлар катта билан бўлса, президент инициалларини англатади.

Кўпчилигимизга таниш **VIP** [*vi-ay-nu*] (very important person) қисқартмаси ҳам қизиқ бир жиҳатга эга. Бу сўз икки тилда икки хил номга эга. Негаки, бу сўз инглиз тили ва унинг тўғридан-тўғри таъсирига учраган тилларда инициал қисқартма каби алоҳида /*vi-ay-nu*/ каби талаффуз қилинса, ўзбек тили сўзловчилар учун айнан шу сўз акроним⁴⁷ саналади. Чунки унинг ўзбек тилида бир сўз каби /*vin*/ деб талаффуз қилиш меъёр саналади.

Бирдан ортиқ сўздан тузилган географик жой, вилоят ва ҳудуд, вақт зоналари⁴⁸ номларини ҳам қисқартиришдан ҳосил қилинган сўзлар индонез тилида кўп учрайди⁴⁹.

Мисол:

Afsel – Afrika Selatan (ЖАР)

AS – Amerika Serikat (АҚШ)

Jabar – Jakarta Barat (ғарбий Жакарта)

Jatim – Jawa Timur (шарқий Ява)

Jogja – Yogyakarta (Йогьякарта шаҳри)

Korsel – Korea Selatan (жанубий Корея)

Korut – Korea Utara (шимолий Корея)

NTT – Nusa Tenggara Timur (жануби-шарқий Нуса ороллари)

RW – Rukun Warga (ўзб. тилида *маҳаллага* мос келади)

Sumut – Sumatra Utara (шимолий Суматра)

WIT – Waktu Indonesia Bagian Timur

⁴⁷ *Қаранг* : 45 – бетда акроним қисқартмаларга батафсил тўхталиб ўтилган.

⁴⁸ WWW.INDONESIA.TOURISMTIMEZONE - Ўзбекистон ҳудудида бир вақт чегара/майдони амал қилса, Индонезияда 3 хил ҳудудий бўлиниш, фарқланиш қабул қилинган. Энг ғарбий ҳудуддаги шаҳарда (мисол учун, Ачехда) соат 11:30 бўлса, шарқий (Жайа Пура) шаҳрида соат 9:30 бўлади.

⁴⁹ Бу хусусият деярли барча тилларда мавжуд ва ўзбек тилида АҚШ, БАА, ЖАР, МДХ каби қисқартмалар шулар жумласидан.

Ўзбек тилида *Фарвил* (Фарғона вилояти), *Сирвил* (Самарқанд в.), *ШимТош*, *ЖанТош* (шимолий ва жанубий Тошкент), *Қоравтика*. (Қорақалпоғистон автоном Республикаси) каби қисқартмаларни тасаввур қилиш қийин бўлса-да, Индонезияда бу қисқартмаларнинг эквивалентлари оддий сўзлар каби кенг истеъмолда бўлиб, деярли барча учун тушунарли. Ушбу ўринда ўзбек ва индонез тили аббревиатура ҳосил қилишдаги усуллар ичида қизиқ доимийликни кузатиш мумкин: ўзбек тилида кўпроқ инициаллардан, индонез тилида эса акронимлар хизматидан фойдаланилади.

Умуман, замонавий индонез тили лексикасини қайси услубдаги матн бўлмасин, аббревиатурасиз тасаввур қилиш қийин. Бунинг сабабларини тилшунослар турлича таърифлашади: индонез тилининг морфо-фонетикаси, миллий менталитет, психология (камгаплик, сўздаги лўндалик), инглиз публицистикасининг таъсири кабилар.

Кейинги бобда янги сўз ҳосил қилишда (бошқа усуллар қатори) аббревиация усули мурожат қиладиган манбага мувоффиқ унинг турларига тўхталиб ўтамыз.

1.2 ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАРНИНГ ГЕНЕТИК ТИПОЛОГИЯСИ

Индонез тилида қўлланиладиган аббревиатураларни келиб чиққан манбаларига кўра 3 турга ажратиш мумкин. Булар :

- 1) Ўзлашган қисқартмалар;
- 2) Кўчирма (калька) қисқартмалар;
- 3) Автохтон қисқартмалар.⁵⁰

1. Ўзлашган қисқартмалар қаторига индонез тилига чет тили муҳотида хосил қилиниб, тайёр ҳолда кириб ўзлашган аббревиатураларга айтилади.⁵¹ Чет тилида пайдо бўлгани сабабли бундай қисқартма сўзлар асл тил талаффуз қоидаларига асосланиган ҳолда ўқилади. Бундай сўзларнинг энг фаоллари радио-телевидение, газета ва оғзаки нутқ давомида кўп қўлланилса ҳам, бироқ индонез тили грамматикаси ва луғатлари бундай қисқартмаларни четлаб ўтади.

⁵⁰ М.М. Мирзоева. Сокращенные слова в русском языке и таджикском языках. Автореферат. Душанбе, 2006. 76.

⁵¹ Индонез тили тарихан давлат тили сифатида ривожланиш мобайнида аввало голланд, инглиз ва у орқали лотин тилларидан кўплаб тушунчаларнинг қисқартма шаклини ўзлаштирган.

Ўзлашган қисқартмалар сўнгги даврда сезиларли ўсди, давр тақозоси билан глобаллашув таъсирида замонавий ўзбек тилида бўлгани каби, асосан инглиз тилидан кириб келган.

Мисол:

CV – curriculum vitae (резюме)

IELTS – International English Language Testing System

NATO – North Atlantic Treaty (Шимолий Атлантика Ҳарбий

Блоки

P.S. – post scriptum (постскриптум)

SOS – Save Our Souls (Қутқарув/Ёрдам сигнали)

UNESCO* – United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (БМТнинг Таълим, Илм-Фан ва Маданият бўйича бўлими)

(*Индонез тили талаффуз нормасига кўра латинча “С” ҳарфи ўзбек тилидаги “Ч” тарзида ўқилса ҳам, бу қисқартма “ЮНЕСКО” тарзида талаффуз қилинади)

Индонез тили грамматика ва луғатларида бу каби қисқартма сўзлар ҳақида етарлича фикр билдирилмагани, тилшуносларнинг эътиборидан четда қолаётган тил ҳодисаси экани албатта, яхши ҳолат эмас. Негаки, фаол қўлланишдаги аббревиатураларнинг сони салмоқли, ҳам улар ўзлашганидан бери 10-15 йил вақт ўтиб улгурди.⁵²

2. Кўчирилган аббревиатуралар ҳам сон жиҳатидан салмоқли бўлиб, уларнинг ўзига хос жиҳати – қисқартмани ташкил қилган *материал* (сўз, бўғин, морфема) асли индонез тилига қарашли бўлиб, қисқартма *тузилиши* эса, жиҳатидан чет тилидан ўзлашган.

AS – US (Amerika Serikat → United States)

⁵² Д.И. Алексеев «Грамматическая особенность аббревиатур». Куйбишев. 1978

PBB – UN (Persatuan Bangsa-Bangsa → United Nations)
RRC – PRC (Republik Rakyat Cina → People's Republic

of China)

Бу турдаги аббревиатуралар асосан инициаллар (сўзлар бош харфлари) орқали ҳосил қилинади.

Кўчирилган аббревиатураларнинг бирор тилда (бизнинг ҳолатда - индонез тилида) ҳосил бўлишига экстралингвистик омиллар асосий сабабчи бўлади.⁵³ Мисол учун чет элдаги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш, сиёсий соҳада тажриба алмашув, маданий таъсирларнинг катталигига, мунтазам ва кенг кўламдаги таржимачилик (бадий асарлар, фильмлар каби), илмий соҳа янгилик-ютуқларини ўзлаштиришга бўлган интилиш, ушбу тил қўлланадиган жамиятда, ҳоҳ давлат миқёсида бўлсин, ёхуд индивидуал миқёсида, бирдан ортиқ тилни биладиган аҳолининг нисбати каби омиллар муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Автохтон⁵⁴ турдаги қиқартмалар ҳам сўз, ҳам қисқартириш модели-қолипни ички манбадан олади. Бу турдаги қисқартмалар сафига индонез тилидаги жуда кўп акронимлар, реверсив ва қисман инициал қисқартмалар киради⁵⁵.

Мисол:

01. ABG – **a.nak ba.ru ge.de** (ўсмир ёшига етган бола)
02. anker* – **a.nak ke.re.ta** (поездда қатновчи йўловчи)
03. asbun* – **a.sal bu.nyı** (куруқ гап, сафсата)
04. aspal* – **as.li pal.su** (сохта, асл бўлмаган)

⁵³ Н.А. Курило. “Сокращения в современном английском языке: функциональный аспект” (Автореферат. Диссертационная работа) Минск, 06.05.2005.

⁵⁴ “*autochthonic*” сўзи юнон тилида *абориген* сўзининг муқобили бўлиб, “асл ерлик, туп аҳоли” маъносини бериб, меҳмон, ўзлашган қисқартмалардан ажратиш мақсадида қўлланилган. .

⁵⁵ Қисқартма сўзларнинг бу турларига кейинги 3–бобда батавсил тўхталиб ўтилган.

05. bunbin* – ke.**bun bi.na.tang** (зоопарк)⁵⁶
06. jadul* – **ja.man du.lu** (ўтган, қадим замон)
07. Lusi* – **Lum.pur Si.du.ar.jo** (Сидуаржо лойқаси)⁵⁷
08. OKB – **o.rang ka.ya ba.ru** (янги бой)⁵⁸
09. ortu* – **o.rang tu.a**
10. RW – **Ru.kun war.ga**
11. titi dj – **ha.ti - ha.ti di ja.lan**
12. -x – dia, ia

Юқоридаги мисолларга кўра уларнинг ҳосил бўлишида қандай қонуниятларга амал қилинганини кўриб чиқайлик. Қисқартмалар тўлиқ шаклида қисқартмада сақлаб қолинган бўғин, инициаллар қалин ёзув (шрифт) билан ажратилган ва бўғинга ажратиб⁵⁹ кўрсатилган.

01, 08 ва 10– аббревиатуралар инициаллари ёрдамида ясалган бўлса, “*” белги билан ажратилганлари бу акроним қисқартмалар саналиб, улардан фақат 04 акроним тўлиқ сўз бўғинига кўра ясалган. Қолган акронимларда бир қисми бўғинга мос келса, иккинчи қисми мос эмас (05 ва 06) ёки аксинча, иккинчиси мос келса биринчиси ихтиёрий бўғиндан фойдаланилган (07 ва 09). 02 ва 03 мисолларда икки сўздан ясалган акронимларнинг ҳар икки компоненти ҳам асл бўғиндан иборат эмас.

Ундан келиб чиқадики, акроним ҳамда бленд қисқартмалардан кутилган асосий мақсад - ҳосил бўлаётган акроним талаффуз қилиш учун

⁵⁶ Инглиз тилида “Zoopark” сўзи қисқартирилиб, **Zoo** шаклида қўлланилиши каби, индонез тилида ҳам шу каби усулдан фойдаланилган.

⁵⁷ 2006-йил баҳорида Яванинг Сидуаржо шаҳрида қайноқ ер ости суви отилиб чиқиб, лой бўлиб оқиши натижасида аҳоли турар жойига зарар етди, йўллардаги транспорт ҳаракатини тўхтатиб қўйган. Шу воқеалар тез-тез ОАВ(Оммавий Ахборот Воситалари)да ёритилиш даврида айнан шу қисқартма оммалашиб кетди.

⁵⁸ «Nouveau riche» француз тилидан олинган тушунча бўлиб, деярли барча тилларда, шу ўринда индонез тилида ҳам ўз таржимаси эга. Бунга *Новый русский*, *Янги ўзбек/бой*, *The newly rich* мисол бўла олади.

⁵⁹ KAMUS BESAR BAHASA INDONESIA. Edisi ketiga. Balai Pustaka, Jakarta, 2005

кулай ва оддий сўзларга яқин шаклга эга бўлиши биринчи ўринда бўлиб, уни ташкил қилган сўзларнинг бўғинлари тўла аҳамиятга эга эмас. Яна бир критерия шундан иборатки, натижада ҳосил бўлган қисқартма қайси сўзлардан тузилганлигини билиш учун бўғинларни танлашда ҳам истаган усулдан фойдаланиш кам учрайди ва кўп ҳолларда танланган бўғин сўзнинг урғули бўғини ва унинг атрофидаги ҳарфлардан иборат бўлади.

Яқинлик, эркалаш маъносида танишлар ўртасида ўзбек тилида ҳам мавжуд бўлган кишилар исмини қисқартириб, ўзгартириб чақириш Индонез тилида айниқса жуда кенг тарқалган ҳодиса. Бу исм хоҳ асли Индонезия тилларидан олинган бўлсин, хоҳ ўзлашган, индонез миллатидаги шахсга қўйилган (айниқса араб, санскрит ва сўнгги даврда инглиз, аниқроғи Роман-герман тилларидан кириб келган) исмлар, хоҳ чет тилидаги исм бўлсин, яқин алоқалар ўрнатилгач, шу шахс исмини қисқартириб айтишгани кузатилади⁶⁰.

Мисол:

<i>Исмлар</i>	<i>Қисқартма шакллар</i>
1. Andika	Dika
2. Anora	Nora, Ra
3. Bagus	Gus
4. Bunawan	Bun
5. Irene	Ren
6. Kaisar	Sar
7. Kristina	Tina, Kris
8. Pita	Ta
9. Rusmailia	Lia
10. Sari	Ri

⁶⁰ www.id.wikipedia.org>Nama_orang_di_Indonesia/

11. Syahrudin	Rudin, Din
12. Tantomì	Tante
13. Temur	Mur, Tim

Исмлар қисқартирилган шакли 100% аниқлик билан бир қоидага асосланади дейиш қийин. Энг кўп ҳолларда (юқоридаги мисоллардаги 5, 7, 8, ва 9 исмлар қисқартирилганда) шу исмнинг урғули бўғини ўзи ёки унга яна кейинги бўғинни қўшиб айтиш кузатилади. Бироқ бошқа мисолларни урғу билан изоҳлаб бўлмайди. Маълум бир исмлар қисқартмасида субъектив омиллар, қулоққа ёқимлилиқ, ижобий сўзларга оҳангдошлиқ ва бу орқали яхши асоциацияларга эга экани ҳам етарлича роль ўйнайди.

II БОБ. ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАРНИНГ ХОСИЛ ҚИЛИНИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ. ЛЕКСИК ВА ГРАФИК ҚИСҚАРТМАЛАР

Индонез тилида аббревиатуралар аввало 2 турга бўлинади, яъни *лексик* ва *график*⁶¹ (Бу турдаги қисқартмалар “*шартли қисқартмалар*” деб ҳам юритилади) қисқартмалар.

График аббревиатуралар ўз номи билан ёзувда – ҳужжат, хат, қарорлар матнларида жой ва вақтни тежаш, такрорлашларни олдини олиш мақсадида қўлланиб, уларни тўлиқ сўз шаклида ўқилади ва от сўз туркумидан ташқари сўзлар ҳам қисқартирилади. Мисол учун:

a.n. – atas nama⁶²

blm – belum

dkk – dan kawan-kawan

dll. – dan lain-lain

P.S. – post scriptum

s/d – sampai dengan

u.p. – untuk perhatian

-x – -nya

Yth⁶³ – Yang terhormat

График турдаги қисқартма сўзлар умум тан олинган шаклдан ташқари ҳар ким ўзи тушиниш даражасида қўллай олгани учун (шахсий хат, кундалик тутиш, SMS хабарлари, чат орқали мулоқотларда) уларнинг кенг

⁶¹ “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. Под ред. З.М.Мағруфова. Москва. “Русский язык”. 1981. 1-жилд, 22-бет.

⁶² Kamus Besar Bahasa Indonesia луғати: hal. 74.

⁶³ Drs Iskandar “*Surat-menyurat dalam bahasa Inggris*” Jakaria. Bandung

истеъмолдагилари сони бир неча юзтага етади. Шундай бўлишига қарамай, бундай аббревиациялар учун ҳам маълум имло қоидалари амал қилади.

Доимий қисқартма сўзлардан фарқли ўлароқ, вақтинчалик – муваққат қисқартмалар деярли сўзнинг барча бўлакларидан хосил қилиш мумкин. Контекстга кўра маъно маълум бўлгани учун бир матнда сўзни бир неча бор такрорлашнинг олдини олиш учун бу график қисқартмаларнинг вақтинчалик шакли хосил бўлади. Қуйида ошхона рецепти контекстида қўлланилган муваққат график қисқартмаларни кўришимиз мумкин:

<i>Контекстдаги шакли</i>	<i>Қисқартманинг тўлиқ шакли</i>	<i>Таржимаси</i>
15 bh cabai hijau	buah	дона
11 kg (<i>kei-ji</i>)	kilogram	килограмм
300 gr kacang merah	gram	грамм
1 btg serai dimemarkan	batang	дона, бўлак
2 sdt garam	sendok	ош қошиқ
3 ktk gula	kotak	кути, ўрам
2 lbr daun	lembar	дона, барг

Сўнгги йилларда ҳаёт тарзи жадаллашгани, ҳар сониянинг кадри ошаётгани телефондаги суҳбатларимиздан ташқари ёзишмаларимиз, уларнинг таркибидаги жумлаларнинг ҳам ҳажмига ўз таъсирини ўтказган. Ривожланган мамлакатлар мисолида кўрадиган бўлсак, бу жараён бизда энди бошланганини ва янада жадаллашувини кўриш қийин эмас. Бир кунлик қабул қиладиган ва узатадиган маълумотлар миқдори жуда катта бўлиб, ҳаётимиз рақамли технологияларга боғланиб бормоқда. АҚШ ва Ғарбий Европа аҳолисининг катта қисми бугунги кунда куннинг камида 3 дан

бирини компьютер қаршисида ўтказиши бунга мисол бўлади. Бир ғарб сатирик газетаси⁶⁴нинг анча муболағали фикрича “...бугунги кун кишиси ўзининг ўйгоқ вақтининг 80% уни нурли тўртбурчаклар⁶⁵га термулиш билан ўтказмоқда” экан. Бундай ускуналарнинг деярли барчаси эса ёзув билан боғлиқ ва клавиатурага эга. Ундан фойдаланишда албатта сўз териш, ёзишмалар олиб бориш зарур ва қисқартмалардан фойдаланиш зарурати уйғонади. Бу жараёнга мисол қилиб, индонез тилида юборилган бир SMS кўриб чиқиш мумкин.

Индонез тилида ёзилган SMS текстидан мисол:

“AAWB.Gmana kabarx Mur?Baik di sana?Ortu baik2 aja.Tlong jgn lp kirim e-mail dng laman koran Sindo tu k Fbku.CU,Tnx.Jd.”

18 сўз, 101 белги (пробелсиз) ва 118 пробел билан.

Бу SMS нинг ёйилган тарздаги шакли қуйидагича бўлади:

“Assalamu Alaikum Warahmatullahu wa Barakaruhu. Bagaimana kabar Anda Temur? Keadaan baik di tempat Anda? Orang tua saya baik-baik saja. Tolong jangan lupa mengirim electronic mail dengan halaman Koran Seputar Indonesia itu ke Facebook aku. See you, Thanks. Jaga diri”

39 сўз, 228 белги пробелсиз ва 269 белги пробел билан.

Барча янгиликлар эҳтиёж талаби билан юзага келар экан, бу қисқартирилган шаклдаги СМС лар ҳам вақт ва маблағни тежаш учун ўйлаб топилган. Индонезия ҳозирги кунга келиб дунёнинг иккинчи энг катта ижтимоий тармоқлари⁶⁶ (Social Networking)га аъзо ва ундан фойдаланувчилар сони бўйича хатто ХХРни ҳам ортда қолдирган ҳолда, АҚШдан кейинги

⁶⁴ The ONION satirical newspaper. JUNE 15, 2009.

⁶⁵ Бу ўринда тўртбурчак экранга эга барча электрон ускуналар – ТВ, мобил тел., компьютер, ва х.к. назарда тутилган.

⁶⁶ **Изоҳ:** бу ўринда FACEBOOK ва TWITTER хизматидан фойдаланиш бўйича маълумот келтирилган.

иккинчи ўринда туради.⁶⁷ Балки уяли телефон орқали ёки компьютер орқали маълум электрон хабарни юборишда ўз фикрини тўла баён этиш зарур деб, бундай тилнинг “бузилиши”га қарши чиқадиганлар бўлиши табиий. Бирок бир кунда ўртача 90та СМС алмашинадиган, мобил, тезкор ҳаёт тарзига ўрганиб қолган *КОММУНИКАЦИЯ АСРИ* авлодлари ҳар бир сония, ҳар бир (сўз эмас) ҳарфни тежаб фойдаланиши шу каби қисқа, лўндаликка сабабчи бўлаяпти.

Юқоридаги мисолда кўрганимиздек, график қисқартмаларнинг миқдори ва шу билан аҳамияти сезиларли даражада ошиб бормоқда. Уларнинг ёзув қаторларини тежашдан бўлак, матннинг лўнда, жонли чиқишини таъминлаб, барча қисқартмалар тушунарли бўлган тақдирда, ўқиш учун қулайдир.

График қисқартмаларнинг бир жиҳати шуки, улар қанча қисқа шаклга эга бўлсалар, демак улар шунча кенг ва кўп қўлланилади, уларни шундай қичсқа шаклда ҳам англай оладилар.

Бу график қисқартмаларнинг энг ихчам ва асосан инглиз тили орқали виртуал оламда кенг тарқалган тури бу пиктограммалар, смайликлар шаклида бўлиб, гоҳо қисқартмалар таркибида расм, аниқроғи рамзлар қўлланилади. Инглизларнинг “*A picture is worth 1000 words*” (Бир расм 1000 сўзга тенгдир) деган мақоли шу қисқартмалар ҳақидаги сўзни тасдиқлайди. Бу каби ихчам фикр шакллари индонезлар томонидан кенг қўлланилса-да, бу индонез тили учун хос эмас. Шу сабаб, бу ерда уларнинг энг кенг тарқалганларига бир нечта мисол келтириш билан чекланамиз.

I  U (Мен сени севаман);

:-) (табассум);

:-((ҳафа бўлмоқ)

;-) (кўз қисмоқ);

W-O (кўзлар катта очик, ҳайрат; эснамоқ);

⁶⁷ THE ECONOMIST newspaper, London 02.2011.

:**-p** (тилни кўрсатмоқ, масхара қилмоқ).⁶⁸

М. Мирзоевнинг рус ва тожик тилларида ўтказган миқдорий анализига кўра “энг кўп от сўз туркумидаги сўзлар қисқартирилиб, бу бўйича сифат ундан кейинги ўринда туради. Феъл, сон ва равиш сўз туркумидаги сўзлар жуда кам ҳолатларда қисқариши мумкин”⁶⁹. Лекин индонез тилида ҳолат анча фарқ қилади. Бунинг учун ушбу диссертация кўламига сиғмаганлиги, махсус анализ талаб қилингани сабаб, уни бошқа индонез тили мутахассислари ихтиёрига қолдиришни маъқул билдик.

БМШ эпиграф бўлган қуйидаги тўрт мисра пантуннинг иккинчи қаторидаги сўзлар барчаси сон сўз туркумига мансуб бўлиб, 1 дан 8 гача бўлган рақамларнинг барчаси қисқартирилган шаклда қўлланилган.

“Hitung satu sampai delapan,
Tu-wa-ga-pat-ma-nam-juh-pan.
Eh liat deh udah jam delapan,
Mending kita lanjut yuk kapan-kapan

Ушбу БМИ нинг иловасида турли аббревиатуралар билан бир қаторда, график қисқартмаларга 50га яқин мисоллар келтирилган.

Қисқартма сўзларнинг ҳосил қилинишига кўра иккинчи тури бу **лексик** қисқартмалар бўлиб, улар янги сўз яшаш учун хизмат қилади. Лексик қисқартмаларнинг индонез тилида 4 тури мавжуд: *инициал, акроним, бленд* ва *реверсив* қисқартмалар.

⁶⁸Dan Gookin. Word 2007 For Dummies. / Language of the Internet/. Wiley Publishing, Inc. Indiana, US. 2007

⁶⁹ М. Мирзоева. Кўрсатилган манба: Стр. 11

2.1. ИНИЦИАЛ ҚИСҚАРТМАЛАР.

Индонез тилидаги *inisial* (инициал) аббревиатуралар ўз номини лотинча “initio” – *биринчи, ilk* сўзидан олинган бўлиб, таркибли қўшма отларнинг биринчи ҳарфларидан тузилади ва алоҳида ҳарф тарзида талаффуз қилинади. Талаффузда ҳарфлар индонез тили алфавити⁷⁰ даги каби айтилади. Инглиз тили грамматикаси қўлланмаларида⁷¹ эса, ***ҳарфларнинг талаффузи биринчи тури***, деб аталади.

Инициал турда ҳосил қилинган қисқартма сўзлар одатда даврий матбуотда, сиёсий ҳужжатларда, махсус илмий-техникавий қўлланма, журналларда айниқса кўп ишлатилади. Акронимлар анча оғзаки нутқда кенг тарқалган бўлса, инициаллар услубий жиҳатдан нейтрал саналади.

Инициал турдаги аббревиатуралар инглиз тилида XX асрнинг 20-30 йилларида пайдо бўла бошлади. Индонез тилида эса, 50-60 йилларда, мустақилликка эришилгач, бир неча соҳаларда сиёсий дастурлар қабул қилиниб, уларни номлашда асосан инициаллар усули қўл келди.⁷² Ўша даврда истеъмолга кирган бир нечта қисқартмалар ҳозирги кунга қадар сиёсий контекстда фойдаланиб келинади. Қуйидаги инициалларнинг “*” билан белгиланганлари айнан шу даврга тегишли.

Интернационал инициаллар:

GPS – General Positioning System

HTTP - Hyper Text Transfer Protocol

LCD - Liquid Crystal Display (Jenis layar TV dengan plasma cair).

⁷⁰ **Изоҳ:** Индонез тили алфавити ва унинг кирилл ҳарфларидаги тахминий транскрипцияси диссертация ишининг ИЛОВА №1 аввалида келтирилган.

⁷¹ **Қаранг:** R.Murphy, Бонк, Качалова, ва ҳк.

⁷² *James N. Sneddon*, “The Indonesian language: its history and role in modern society”. Unsw Sydney, 2003. p. 145.

VIP /ви-ай-ну/⁷³ – very important person

WWW - World Wide Web

Индонез тилида:

01. BBM [бэ-бэ-эм] – **B**ahan **B**akar **M**inyak
02. BNI [бэ-эн-и] – **B**ank **N**asional **I**ndonesia
03. BP**⁷⁴ – **B**alai **P**ustaka
04. DPR – Dewan Perwakilan Rakyat
05. KBRI [ка-бе-ри] – Kedutaan Besar Republik Indonesia
06. PKI* [нэ-ка-и] – **P**artai **K**omunis **I**ndonesia
07. TKM** [тэ-ка-эм] – **T**entara **K**eamanaan **R**akyat
08. WIT – **W**aktu **I**ndonesia **T**imur

Инициаллар индонез тили алфавитидаги ҳарфлар каби бирма–бир талаффуз қилиниб, агар улар таркибида унли ҳарфлар бўлса, бир сўз каби ўқиш зарур.⁷⁵ Қуйидаги аббревиатуралар таркибида унли ҳарфлар борлиги сабаб, улар оддий сўз каби (абри, сим) талаффуз қилинади ва гарчи инициал ҳарфлардан тузилиб, катта ҳарфлар билан ёзилсада, улар *инициал* қисқартмалар турига кирмайди. Негаки, мустақил сўз каби талаффуз қилинадиган қисқартмаларнинг барчаси *акроним* қисқартмалар дейилади, ва, бу турдаги қисқартмаларда кейинги фасл (параграф)да сўз боради.

⁷³ Изох: Бу сўз икки тилда икки хил номга эга. Негаки, бу сўз инглиз тили ва унинг тўғридан-тўғри таъсирига учраган тилларда инициал қисқартма каби алоҳида /ви-ай-ну/ каби талаффуз қилинса, ўзбек тили сўзловчилар учун айнан шу сўз акроним саналади. Чунки унинг ўзбек тилида бир сўз каби /вин/ деб талаффуз қилиш меъёр саналади.

⁷⁴ “**” белгилари бу икки инициал қисқартмалар энг аввал пайдо бўлганлари саналиб, ВР 1920 йилларда ташкил қилинган Индонезия адабиёти ва тили уюшмаси бўлиб, ТКМ бу 2-Жаҳон уруши бошланишида Япониянинг Индонезияга бостириб келишида тузилган мудофа қўшинларининг номланиши эди.

⁷⁵ Н.А.Курило. Кўрсатилган манба: стр. 17.

ABRI [*abri*] - Angkatan Bersenjata Republik Indonesia

GIA [*gia*] – Garuda Ind. Airways

HUT [*hut*] – hari ulang tahun

KONI [*koni*] – Komite olahraga nasional Indonesia

POLRI [*polri*] – **Polisi Republik Indonesia**

Инициал қисқартмалар ҳақида яна БМИ нинг III бобида ва ИЛОВА
№1, 2 да маълумот берилган.

2.2. АКРОНИМ ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР.

Акроним атамаси 1943 йилда ҳосил қилинган бўлиб, шимолий Америка инглиз тили доирасида шаклланган. “Юнон тилидаги akros "уч, кирра" + -онум "ном, исм".⁷⁶ 20-асргача адабиётда ва матбуотда қўлланилмаган. Бу турдаги аббревиация усули ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, таркибли қўшма от, сўз бирикмасидаги қисм, бўғин ёки марфемалар турли тартибда танлаб олиниб, аббревиатура ҳосил қилинади ва бир сўз каби талаффуз қилинади⁷⁷.

Oxford луғатининг таърифича, “**акроним** - сўзларнинг бош ҳарфлари бирлашиб, мустақил сўз каби талаффуз қилинадиган сўзга айтилади. Мисол учун, **ОИТС** бу «Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми» бирикмасининг акронимидир”⁷⁸.

Индонез тили имло қоидалари мажмуига кўра - **Акроним** бу бир сўзнинг бош ҳарфи билан ёки бўғини билан кейинги сўз(лар)нинг бирор бир бўғини, ёки қулай ихтиёрий бўғинларининг бирикмаси дан ҳосил қилинган ва оддий сўз каби ўқиладиган бирикмага айтилади⁷⁹.

Мисол:

Интернационал акронимлар:

BYTE – Binary Yoked Transfer Element

CEO – chief executive officer

FAQ – frequently asked questions

IELTS – International English Tests

LASER : Light Amplification by Stimulated Emission of Radiation

⁷⁶ etymonline.com/index.php?term=acronym

⁷⁷ “The Economist Style Guide” London. 2005. p. 11.

⁷⁸ OED. Кўрсатилган лугат: p. 13.

⁷⁹ Pedoman Umum Ejaan Bahasa Indonesia yang Disempurnakan edisi ke 2. Jakarta: 9.09.1987

NASA : National Aeronautics and Space Administration (badan antariksa AS

TOEFL – Test of English as a foreign language

UNESCO – United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization

WAP – wireless application protocol

Индонез тилида

ABRI - Angkatan Bersenjata Republik Indonesia

ASEAN – Accosiation of South-East Asian Nations

GIA – Garuda Ind. Airways

HUT – hari ulang tahun

IKIP – Institut Keguruan Ilmu Pendidikan (IKIP Surabaya)

IPA [Ilmu Pasti/Alam] – IPA – Ilmu Pengetahuan Alam

KONI – Komite olahraga nasional Indonesia

SIM [сим] – Surat Izin Pengemudi

Бу турдаги қисқартмалар индонез тили адабий тилининг сўзлашув шаклида энг самарадор саналиб, хосил қилишда умумий бир қоида бу хосил бўладиган акронимнинг кулоққа ёқимли экани ва ўзи иборат бўлган сўзлар ҳақида фонетик белги беришидир. Бунда кенг қўлланиладиган бўғинлар ёрдамчи-калит бўлиб хизмат қилади. Бу калит бўғинларнинг кенг тарқалганлари Илова №2 даги чизмада батафсил ўрганилган.

Индонез тилида инициал ва акронимларнинг стилистик жиҳатидан яна бир вазифаси алоҳида аҳамиятга эга. Баъзи ўринларда улардан эвфемизмлар ўрнида фойдаланиш мумкин. (“euphemism” –тингловчи учун бирор бир ёқимсиз, ёки кўнгилга ботадиган сўз, ибора ўрнига шу маънони англатадиган лекин анча юмшоқ маъноли сўзларни қўллашга айтилади. Бу сўзнинг этимологияси қуйидагича. Юнон. euphemia -> eu – “яхши, мақбул” +

pheme – “нутқ, сўз”⁸⁰) Масалан, *TKI* аббревиатурасининг ёйилмаси “*tenaga kerja Indonesia*” (Индонез миллатига мансуб ишчи, яъни гастарбайтер, инг. *migrant laborer*), бўлиб, чет элда ҳам қонуний, ҳам ноқонуний асосда паст тўлов эвазига ишга ёлланган ишчиларга нисбатан қўлланади. *WNI* унитуал қисқартма индонез тилидаги “*warga negara Indonesia*” - “Индонезия фуқороси” - маъносини англатса-да, аслида Индонезиянинг хитой миллатига мансуб аҳоли вакилини англатади. “Хулқи ёмон аёл” (*wanita tuna susila*) сўзлари бош ҳарфларидан тузилган қисқартма *WTS* эса, фоҳиша сўзини қўллаш ўринли бўлмаган контекстда ишлатилади.

⁸⁰ www.en.wikipedia.org/wiki/Euphemism

2.3. БЛЕНД (*Campur*) ҚИСҚАРТМАЛАР.

OED⁸¹ нинг таърифига кўра, “**blend**” сўзи – *бир хил нарсанинг ҳар хил турларини ўзаро аралаштириш*⁸² маъносини англатади.

Бленд қисқартмалар инглиз тили доирасида ҳосил бўлиб, сўнгра индонез тилига кириб келган ва сўзларнинг турли қисмлар, бўғинларининг бирикиб, бир бутун сўз ҳосил қилишига айтилади. Масалан, ‘motel’ бленди ‘*motor hotel*’ сўзларига асосланади.⁸³

Интернационал блендлар:

RADAR : Radio Detection And Ranging

INTERNET : International Network

Индонез тили блендлари:

angkot* – *angkutan kota*

Menlu – *Kementerian Luar Negeri*

POLINEMA – Institut *Politeknik Negeri Malang*

POLRI – *Polisi Republik Indonesia*

ponsel* – *Telepon seluler*

Sinetron – *sinema elektronik*

Timnas – *tim nasional*

ultah* – *ulang tahun*

warkop* – *warung kopi*

wartel* – *warung telepon*

⁸¹ Изох: Бу қисқартма “Oxford English Dictionary” ва унинг қисқарттирилган шаклдаги нашрлари нисбатан қўлланиб, энг кўп иктибос келтириладиган ва энг кўп илмий асарлар томонидан луғат саналади.

⁸² Кўрсатилган луғат: p.150.

⁸³ *James N. Sneddon*. Кўрсатилган китоб: p. 44.

Юқоридаги мисоллардан қисқартмаларнинг ҳосил бўлишида умумийликни аниқлаш қийин. Қайси тартибдаги сўзнинг қайси фрагмент - бўлаги, бўғини олинишида доимийлик йўқ ва кўп ҳолларда асосий эътибор янги ҳосил бўладиган атаманинг оҳангдорлигига асосланади.

Акроним ва бленд қисқартмалар индонез тилида ҳаддан зиёд ва кенг тарқалганидан журналист ва шарҳловчилар уларни қўллагач, тез-тез улардан сўнг қавс (...) ичида ёйилмаси, маъносини бермасликни афзал кўрадилар. Бундай ёндашув қайсидир маънода тўғридир, чунки, ҳар қайси индонез *ABRI* ва *PKI* қисқартмалари нимани англатишини билиши аниқ. Бироқ айрим ҳолларда қисқартмалар ортиқча кўп контекстларда гап нима ҳақида бораётганини англашда қийинчилик туғилади. Шундан даврий нашрлар таҳририятига келадиган хатларнинг маълум бир қисми изоҳларсиз берилаётган номаълум қисқартмалар сабаб мақолаларни тўла тушуна олмаётган ўқувчилар арзу додларидан иборат. Газета ва журналларда ушбу мавзуга доир бир нечта *танқидий* мақолалар эълон қилинди. Аммо ҳозиргача унинг ўринли мақбул ечими топилгани йўқ.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб, қисқартмалар ва уларнинг изоҳига бағишлаб бир қатор буклет - қўлланмалар нашр қилинди ва кенг ўқувчиларга тарқатилиб келинаяпти. Шунга қарамай, кўп вақт ўтмай, янги қисқартмалар оммалашгани сари бу қўлланмалар эскириб, уларни яна тўлдирилган, янгиланган нашрга тайёрлашга тўғри келаяпти. 80-йилларда урф бўлган баъзи бир қисқартмалар истеъмолдан чиқишга улгурди, лекин ўша даврда ҳосил қилиниб, истеъмолга кирган қуйидаги бленд қисқартмалар ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган:

bemo (becak bermotor) моторли бечак (рикша);

iptek (ilmu pengetahuan dan teknologi) фан ва технология;

puskesmas (pusat kesehatan masyarakat) маҳаллий саломатлик маркази;

tapol (from *tahanan politik*) political detainee⁸⁴;

‘Аэропорт’ индонез тилида *bandar udara* (сўзма-сўз “ҳаво майдони” деб таржима қилинади) бўлиб, деярли барча уни қисқарган ҳолда - *bandara* деб атайдди. Бу оммалашиб кетган қисқартмани оддий сўз деб қабул қилган бир нечта журналист тўла шаклда сўзни қўллаб, *bandara udara* (‘ҳаво аэропорти’ ҳосил бўлган) сўзини қўллаган.

2.4. РЕВЕРСИВ ҚИСҚАРТМАЛАР.

Реверсив қисқартмалар аббревиация усулининг энг ёш тури бўлиб, илк бор инглиз тили доирасида тарқала бошлаган. Индонез тилида ҳам бу турда ҳосил қилинган қисқартмаларнинг етарлича намуналари мавжуд.

Бу қисқартма номи инглиз тилидаги “**to reverse**” сўзидан олинган бўлиб, “*ортга қайтиш, қайтариш*” маъносини англатади, ҳосил қилиниши оддий акроним ҳосил қилиш жараёнига қарама-қаршидир. Реверсив қисқартмалар таркибий қўшма сўзларнинг маълум бир қисмлари – гоҳ бир бўғини, гоҳ фақат бош ҳарфлари ва маълум қисқартмаларда аралаш тарзда янги сўз каби ўқиладиган бирикма ҳосил қилинади. Бу ясалган сўз аввалги қўшма сўзлар англатган маънога яқин, унинг мақсадини очиб берадиган ёки умумлаштирадиган ёхуд аввалдан маълум бошқа бир сўзга, *қолингга* шаклан мос келишига эришилади.

Тропик ўрмонларни кесишга қарши бўлган ташкилот номи атайин бош ҳарфлари хавфни англатувчи сўз – бу ўринда “қизил” сўзига мос қилиб олинади. Маълум этимологик манбалар⁸⁵ да, инглиз тилида *янгиликларни* англатадиган NEWS сўзи ҳам версиялардан бирига кўра, NORTH, EAST, WEST, SOUTH – дунёнинг тўрт тарафи номлари бош ҳарфларидан ташкил қилинган экан.

⁸⁴ *Sneddon, James N.* Кўрсатилган китоб: р.47

⁸⁵ John Moore “You English Words”, London, 1956. p. 34.

”etymonline.com/NEWS;

Лингвистик жиҳатидан ташқари реверсив қисқартмалардан фойдаланиш аксинча - ҳажв ҳосил қилиш учун ҳам фойдаланилади. Мисол учун, замонавий рус ва ўзбек оғзаки тилида қўланилана бошлаган “*бутик*” (сўнгги модадаги кийим-кечак билан савдо қиладиган кичик дўконлар) сўзи, юморист фикрича, аслида қисқартма сўз бўлиб, “*б/у (бывшие в употреблении) товары из Китая*”⁸⁶ сўзлари бош ҳарфларидан тузилган экан.

Реверсив қисқартмаларга мисолни ўзбек тили луғат бойлигида учратмаган бўлсакда, ўзбек тилига қардош бўлган қирғиз тилида ўйлаб топилган бир қизиқ мисолга дуч келдик. Маълумки, халқаро интернет тармоғи инглиз тилидаги шакли қисқартирилиб, бош ҳарфлардан иборат инициал қисқартма “**WWW**” билан ифодаланади. Қирғиз тилида ҳам маънони максимал яқинликда сақлаган ҳолда, ҳамда инициаллари бир ҳарфли сўзлардан сўз бирикмаси ҳосил қилинган. Ҳосил бўлган натижани солиштириб кўришимиз мумкин:

Инглиз тилида:

WWW - «**WORLD-WIDE WEB**» (ҳалқаро ўргимчак тўри)

Қирғиз тилида:

ЖЖЖ - «**Ж**ены **Ж**ипек **Ж**олу» (Янги Ипак йўли)

Рус тилида **СТУДЕНТ** сўзига тузилган. Унга кўра бу сўз “Сонное Теоритически Умное Дитя Естественно Не желающее Трудиться”

Замонавий халқаро тармоқ ҳам қадимги Ипак йўли каби узоқ халқларни бирлаштириб, фикр алмашиб, илм-фан ривожига катта ҳисса қўшиш ва хатто савдо олиб боришидаги умумийлиги ҳам бир қарашда намоён бўлади.

⁸⁶ М.Задорнов “Задоринки”, RenTV, 2010

Реверсив қисқартмалар индонез тилида ҳам кенг тарқалган бўлиб, куйида бунга мисолларни кўриб чиқамиз:

Мисол:

<i>Реверсив қисқартма</i>	<i>Сўзнинг асл маъноси</i>	<i>Тўлиқ шакли</i>	<i>Сўз бирикмасининг маъноси</i>
Internet	Интернет тармоғи, тезкорлик рамзи сифатида	<u>I</u>ndomie + <u>te</u>lur + <u>ko</u>r<u>ne</u>t	Тез пишадиган лағмон + тухум + консерваланган балиқ. Бу осон ва тез таёр бўладиган овқат. Одатда талабаларнинг асосий таоми саналади.
Kanker	Саратон касаллиги, нохуш ҳолат	<u>kan</u>tong <u>ke</u>ring	Бўш чўнтак, ҳамён. Йўқчилик, камбағаллик ҳолатини ифодалайди.
Pecel lele	Леле ⁸⁷ балиғи ва сабзавотлардан тайёрланадиган	<u>pe</u>makai <u>ce</u>lana <u>le</u>bar-<u>le</u>bar	Кенг почали шим – « <i>клёш</i> » кийим

⁸⁷ Kamus Besar Bahasa Indonesia (edisi ketiga). Balai Pustaka. Jakarta, 2005

Рангги қорамтир, чучук сув балиғи, фандаги номи “Clarius batrachus”

	миллий таом номи		юрадиган олифта йигитларга берилган ном, лақаб
Politikus	Сиёсат, сиёсатчилар	<u>Poli</u> + <u>tikus</u>	кўп + сичқон (каламуш). Каламушлар галаси

“**oli**” сўзининг келиб чиқиши ҳам аббревиациянинг реверсив турига киритиш мумкин. Негаки бу сўз инглиз тилидаги *oil* (*нефть*) сўзининг бузилган шакли эмас, балки *Oil Level Indicator* бирикмасининг қисқартмаси саналади. Бу қисқартма индонез тилида оддий нефтни англатади ва “*ёгловчи, смазка*” маъносида индонез тилининг Катта изоҳли луғати (Kamus Besar Bahasa Indonesia⁸⁸) киритилган.

Ушбу бобнинг сўнггида юқоридаги ҳар икки (I ва II) бобларни умумлаштириб, якуний хулосаси сифатида магистрлик диссертацияси устида иш давомида йиғилган ва шу ишдаги кўплаб назарий қонуниятларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган 700 та ИЛОВА №1 да келтирилган қисқартма сўзларнинг миқдорий статистикасини кўриб чиқиш мақсадга бир мунча мувофиқ бўлур эди.

⁸⁸ Anwariansyah. “Daftar Singkatan yang Artinya Jarang Diketahui”. Sabtu, 31-01-2009
<http://www.wikimu.com/News/DisplayNews.aspx?id=12911>

**КАТАЛОГИМИЗГА КИРГАН 700 ҚИСҚАРТМАЛАРНИНГ
БОШЛАНАДИГАН ҲАРФЛАРИГА КЎРА МИҚДОРИ⁸⁹**

A - 41	B - 67	C - 25	D - 81	E - 6	F - 5
G - 14	H - 29	I - 20	J - 26	K - 47	L - 10
M - 39	N - 21	O - 7	P - 85	Q - 1	R - 19
S - 65	T - 28	U - 21	V - 5	W - 19	X - 4
Y - 4	Z - 0				

Юқоридаги жадвалдан маълум бўлади-ки, индонез тилида **Z** ва **Q** ҳарфлари билан бошланадиган умуман қисқартма кенг қўлланилмайди, негаки, **Z** ҳарфи англатган товуш индонез тилига хос бўлмай, фақат араб ва голланд тилидан ўзлашган сўзларда қўлланади, **Q** ҳарфи билан бошланадиган индонез сўзлари жуда оз миқдорда. Аксинча, қарама-қарши кутбада **P**, **D**, **B** ва **S** ҳарфлари билан бошланадиган қисқартма сўзлар. Айнан бу ҳарфлар ичига кирган қисқартмаларнинг катта қисми инициал қисқартмалар бўлиб, бунга индонезияда кенг тарқалган партия номлари, бирлашма ва ташкилотларнинг номлари айнан инициалланган ҳолда машҳур эканидир. Негаки, индонез тилида партия (*partai*), бирлик, бирлашма (*persatuan*), ҳудуд, туман (*daerah*), бўлим (*bagian*), вазирлик (*badan*), (*departamen*), директор, бошлиқ (*diraktur*) бир, биринчи (*satu, se-*) каби сўзлар айнан шу икки ҳарф билан бошланиши сабабчи бўлади.

Бу кўрсаткичга ўхшаш тарзда инициал ва акроним қисқартмаларнинг сўнгги қисмида, аниқроғи сўнгги 2 ҳарфи бўлиб “RI” бирикмаси энг кўп

⁸⁹ ИЛОВА №1 даги рўйхатга қаранг.

қўлланилган. Бу қисқартма “Republik Indonesia” ёйилмасига эга ва *Индонезия Республикаси* маъносига эга. Бу эса, бу бирикманинг қисқартма сўзлар таркибида нега энг кўп учрашига асосий сабабчи ҳисобланади.

III БОБ. ИНДОНЕЗ ТИЛИДА АББРЕВИАЦИЯ УСУЛИДА СЎЗ ЯСАЛИШИНING ИМЛО ҚОИДАЛАРИ.⁹⁰

Индонезия Республикаси Таълим ва Маданият Ишлари Вазирлигининг 1987-йилнинг 9-сентябрида қабул қилган 0543а/U/1987 сонли қарори «Индонез тилининг умумий стандартлаштирилган имло қоидалари»⁹¹га бағишланади. Бу ҳужжат 1991-йил 4-6 – март санасида Бандар Сери Бегаванда бўлиб ўтган Бруней Даруссалам – Индонезия – Малайзия⁹² тилшуносларининг қўшма мажлисида ўзаро келишув асосида маъқул топилди ва расман қабул қилинди.

Қизиғи шундаки, ҳужжат ҳақида даврий нашрларда, академик грамматика китобларида ёзилганда ёки гапирилганда, унинг тўлиқ номи, яъни “*Pedoman Umum Ejaan Bahasa Indonesia yang Disempurnakan*” қисқартирилиб, аввало “*Ejaan yang Disempurnakan*”⁹³ номи билан юритилади ва ниҳоят янада қисқа – “**EYD**” (*e-ye-de*) қисқартмаси билан ифодаланади.

Бу имло қоидалари мажмуи индонез тили грамматикасининг деярли барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, шу қоидалар қаторидан биз тадқиқ этаётган қисқартма – аббревиатура, акроним, инициалларни ёзувда акс этиши ва уларнинг талаффузи билан боғлиқ низомлар келтирилган. Имло қоидаларининг II боби – “Сўзларни бош ҳарф билан бошлаш” ва III боби –

⁹⁰ Pedoman Umum Ejaan Bahasa Indonesia yang Disempurnakan **edisi ke 2. 9.09.1987**

http://id.wikisource.org/wiki/Pedoman_Umum_Ejaan_Bahasa_Indonesia_yang_Disempurnakan

⁹¹ **Изоҳ:** З.А. Алиқуловнинг фикрича, Индонез тилида бўлгани каби, ўзбек тилидаги қисқартмалар учун ҳам умумий имло қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб, илк бор – 1940 ва 1956 йилларда қўлланма тарзида нашр этилган:

“Бирлашган ўзбек алфавити ва орфографияси”. ЎзФАН нашриёти. Тош., 1940.

“Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари”. Тош., 1956.

⁹² Бу 3 мамлакат аҳолисининг ўпчилиги тарихан малай миллатига мансуб бўлиб, шу мамлакатларнинг давлат тиллари малай тилига асосланган Bahasa Malaysia ва Bahasa Indonesia ҳисобланади.

⁹³ Индонез тилига тўғридан-тўғри таржима қилганда “Мукаммаллаштирилган имло” деб таржима қилинади.

“Сўзларнинг ёзилиши ” номланиб, шу бобларнинг I параграфларида аббревиатураларга доир қуйидаги қоидалар келтирилган:

1. Қисқартма сўз деб, сўз ёки сўз бирикмаси қисқариб, бир ёки ундан ортиқ ҳарфлардан иборат шаклга келтирилган сўзга айтилади.⁹⁴

I. 14. Аббревиация.

Лавозим, илмий даража, илмий унвон кабиларни ифодалаган қисқартма сўзларнинг биринчи ҳарфи бош ҳарф билан ёзилади:

Dr. – doktor

M.A. – master of arts

Ny. – Nyonya

Prof. – профессор

S.H. – sarjana hukum (Юридик фанлар номзоди)

S.S. – sarjana sastra (адабиёт ф.н.)

Tn. – tuan⁹⁵

III. 1. Қисқартмалар. Инициал ва Акроним

1. Қисқартмалар (аббревиатура) бу бир ёки ундан ортиқ ҳарф ҳажмига келтирилган сўз, сўз бирикмаларидир.

а) Кишилар исми, лавозим, илмий даража, илмий ва ҳарбий унвон, муружатни англатувчи сўзларни қисқартириоганда улардан сўнг нуқта қўйилади:

Мисол:

A.S. Kramawijaya

Muh. Yamin (*Muhammad*)

Suman *HS.*

⁹⁴ Pedoman Umum Ejaan Bahasa Indonesia yang Disempurnakan hal. 40.

⁹⁵ EYD. Кўрсатилган манба: II Bab, paragraf 14. hal. 41.

M.B.A. – *master of business administration* (Бизнес бошқарув магистр даражаси)

M.Sc. – *master of science* (Аниқ фанлар бўйича магистрлик даражаси)

S.E. – *sarjana ekonomi* (иқтисодиёт фанлари номзоди)

S.Kar. – *sarjana karawitan* (каравитан бўйича номзод)

S.K.M. – *sarjana kesehatan masyarakat* (тиббиёт фанлари номзоди)

Bpk. – *Barak** (жаноб)

Sdr. – *Saudara*** (ўртоқ)

Kol. – *Colonel* (полковник)⁹⁶

(* Бу мурожат сўзининг асл луғавий маъноси “ота” дегани ва ўзидан катта кишиларга нисбатан қўлланилади. Норасмий вазиатларда ҳам кенг қўлланади ва ўзбек тилидаги “ака, тоға ёки амаки” каби мурожат сўзлари билан таржима қилиш мумкин.

** Асл луғавий маъноси “қариндош, ака-ука, опа-сингил” бўлиб, рус тилидаги “товарищ Сидоров” каби қўлланишга эга)

b) Давлат ташкилоти, муассасаларнинг расмий номи, расмий хужжатларнинг номлари бош ҳарфлардан ташкил топган (инициал қисқартма) бўлса, у ҳолда қисқартмадан сўнг нуқта қўйилмайди.

Мисол:

DPT – *Dewan Perwakilan Rakyat*

KTP – *Kartu Tanda Penduduk*

PGRI – *Persatuan Guru Republic Indonesia*

PT – *Perseroan Terbatas*

SIM – *Surat Izin Pengemudi*

SMTP – *Sekolah Menengah Tingkat Pertama*⁹⁷

⁹⁶EYD. Кўрсатилган манба: III Bab, paragraf 1. hal. 64.

c) Уч ёки ундан ортиқ ҳарфдан иборат умумий график қисқартмалардан сўнг нуқта қўйилади.

Мисол:

dll. – dan lain-lain
dsb. – dan sebagainya
dst. – dan seterusnya
hlm. – halaman
Yth. – Yang terhormat

Бироқ истисно ҳолатида:

a.n. – atas nama
d.a. – dengan alamat
u.b. – untuk beliau
u.p. – untuk perhatian

d) Кимёвий элементлар, ўлчов бирликлари, оғирлик ва мамлакат пул бирликларини англатган қисқартмалардан сўнг нуқта қўйилмайди.

Мисол:

Cu – cuprum
Au – aurum
cm – sentimeter
KVA – kilovolt-ampere
Kg – kilogram
Rp – rupiah (Rp 50.000)⁹⁸

2. **Акроним** бу бир сўзнинг бош ҳарфи билан ёки бўғини билан кейинги сўз(лар)нинг бирор бир бўғини, ёки қулай ихтиёрий бўғинларининг

⁹⁷ Бу ҳамда қуйидаги инициал ва график турдаги қисқартмаларнинг таржимаси учун Илова №1 га қаранг.

⁹⁸ EYD. Кўрсатилган манба: III Bab, paragraf 1, hal. 65-69.

бирикмаси дан хосил қилинган ва оддий сўз каби ўқиладиган бирикмага айтилади.

a) Акроним бош ҳарфлардан иборат атоқли отлардан ташкил топган бўлса, у тўлиқ бош ҳарфлар билан ёзилади.

Мисол:

ABRI [*abri*] – Angkatan Bersenjata Republic Indonesia

IKIP [*ikip*] – Institut Keguruan Dan Ilmu Pendidikan

PASI [*pasi*] – Persatuan Atletik Seluruh Indonesia

SIM [*sim*] – Surat Izin Pengemudi⁹⁹

b) Сўз бирикмасидаги сўзларнинг ҳар хил бўғинларидан тузилган акронимнинг фақат бош ҳарфи катта ҳарф билан ёзилади.

Мисол:

Akabri – Akademi Bersenjata Republic Indonesia

Bappenas – Badan Perencanaan Pembangunan Nasional

Iwapi – Ikatan Wanita Pengusaha Indonesia

Kowani – Kongres Wanita Indonesia

Pertamina – Perusahaan Minyak Nasional

Suramadu¹⁰⁰ – Surabaya-Madura (jembatan ~)¹⁰¹

Эслатма:

Агар акроним сщз ясаш учун ихтиёж туғилган бўлса, қуйидаги шартларга амал қилинг:

1. Акроним таркибидаги бўғинлар сони индонез тилидаги сўзлар бўғинлар ўртача сонидан ортиқ бўлмаслиги зарур;

⁹⁹ EYD. Кўрсатилган манба: hal. 72.

¹⁰⁰ Бу акроним икки топоним номидан тузилган бўлиб, энг янги истёмолга кирган акроним саналади. У 2009-йилда Ява оролининг Сурабая шаҳри ва Мудура оролини бирлаштирадиган кўприк номи бўлиб қабул қилинган.

¹⁰¹ EYD. Кўрсатилган манба: hal. 74.

2. Тузилган акронимдаги унли ва ундош ҳарфлар тартиби индонез тилидаги сўзларда учрайдигани каби тартибли ва қулоқни “йиртадиган” оҳангга эга бўлмаслигига эътибор қаратиш зарур.¹⁰²

с) Атоқли от бўлмаган – бирикмадаги сўзларнинг турли бўғинларидан тузилган, турдош от бўлган акронимлар тўлалигича кичик ҳарф билан ёзилади. Гап бошида келганида эса, табиийки, ҳар қандай оддий сўз каби бош ҳарфдан бошланади.

Мисол:

pemilu – pemilihan umum

radar – *radio detecting and ranging*

rapim – rapat pimpinan

rudal – peluru kendali

tilang – bukti pelanggaran¹⁰³

Индонез тилида илмий даража ҳамда шифокорни англатадиган икки қисқартма гоҳида адашиш, англашилмовчиликка сабабчи бўлади. Тез-тез қўлланиб турадиган график қисқартма бўлган “Dr.” (Индонез тилида бу сўзнинг тўлиқ шакли “*dokter*”)¹⁰⁴ – соғлиқни сақлаш ходими, шифокор-докторни англатади ва “**DR**” (Бу қисқартманинг тўлиқ шакли “*dokter*” каби ёзилади ва талаффуз қилинади).¹⁰⁵ қисқартмаси эса, илмий даражани англатади (Мас. “филология фанлари *доктори*”). Бу икки қисқартма индонез тили имло қоидаларига зид келади. Бунга сабаб, имло қоидасига кўра, “**Dr.**” - илмий унвон, “**DR**” эса шифокор касбини ифодалайди.

¹⁰² EYD. Кўрсатилган манба: hal. 76.

¹⁰³ EYD. Кўрсатилган манба: hal. 79.

¹⁰⁴ Kamus Besar Bahasa Indonesia. Кўрсатилган луғат: hal. 272.

¹⁰⁵ Кўрсатилган луғат: hal. 273.

Бу каби тушунмовчиликлар PT (*Perseroan Terbatas*) ва SD (*Sekolah Dasar*) қисқартмаларни тушинишда ҳам содир бўлади.¹⁰⁶

Индонез тилининг ички манбасига кўра яратилган қисқартмалар каторида инглиз тилидан тўғридан-тўғри ўзлашган қисқартмалар кўплаб учрайди. Буни ИЛОВА № 1 га киритилган ва курсив ёзувда берилган аббревиатуралар миқдорининг салмоқли эканидан ҳам билиб олиш мумкин. Шу омилни ҳисобга олган ҳолда, юқоридаги индонез имло қоидаларига қўшимча тарзда, инглиз тили доирасида яратилган қисқартма сўзлар учун ҳам бир неча имло қоидаларини келтиришни ўринли деб топамиз.

¹⁰⁶ A. Budiyo. Ringkasan Materi Bahasa Indonesia. Persiapan STAN. 2007. Мақола.

3.2. ИНДОНЕЗ ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН ИНГЛИЗ АББРЕВИАТУРАЛАРИ ИМЛОСИ.

Инглиз тилида аббревиатураларида қуйидаги пунктуация қоидалари амал қилади¹⁰⁷:

— Бир сўзнинг ўзи қисқарган ҳолатда сўздаги ҳарфлар орасига нукта қўйилмайди: *Aristotles* – *At.*;

— Америка инглиз тили нормаларидан фарқли тарзда, Британия инглиз тилисида “*St.*” – *Street*, “*St*” – *Saint* ни ифодалайди;

— Аввалида бош ҳарф билан бошланган, ҳарфлар нукта билан ажратилган акроним ва блендлар фаол лексика таркибига киргач, оддий сўзлар каби ёзилади. Масалан, *radar*, *laser*, *scuba*;

— Инициаллардан иборат аббревиатуралар одатда ҳар бир ҳарфидан кейин нукта қўйилади: *U.S.*, бироқ бу қоидага *UN* ва *EU* қисқартмалари мустаснодир;

— Инициал қисқартмалар акронимларга ўхшаб бир сўз каби талаффуз қилинмайди;

— ўлчов бирликлари қисқартирилганда миқдорни англатган рақам билан бирликни англатган қисқартма орасида жой ташламай, қўшиб ёзиш зарур. Масалан, *100mph*, *1000m*, *10°C* (Бу эса Халқаро Бирликлар стандартига тескари бўлиб чиқади. Унга кўра эса: *100 mph*, *1000 m* тарзида ёзилиши зарур);

— бирликни англатган сўзлар қисқартирилганда улар нукта билан ажратилмайди: *15 k.m.* ва *15 km.* ҳато саналади.

— Шахслар, олимларнинг шарафига номланган бирликларни ифодалашда қисқартмалар катта ҳарф билан ёзилади: *Pa*, *A*, *Wb*, *V*.

¹⁰⁷Инглиз тилидан таржима ва шу сабаб мисоллар асл ҳолича қолдирилди.

Манба: «Style conventions in English», an article. Source: www.answers.com/punctuation/English

Аммо ҳар бири ўқилган пайти тўлиқ шаклида айтилади: *паскаль, ампер, вольт, вебер*.

— Шахслар исми ва компаниялар номи инициаллари орасига нуқта қўйилади, тўлиқ шаклдаги қисми билан бир қадам билан ажратилади. Инициаллар ораси ўзаро жой ташламай ёзилади. Умуман барча шахслар ва компаниялар шу усулни афзал кўрадилар: *F.W. de Klerk E.I. Du Pont de Nemours V.P. Singh F.W. Woolworth*¹⁰⁸.

— **Акроним** бу бошқа сўзлар инициалларидан ташкил қилиниб, бир сўз каби талаффуз қилинадиган қисқартмага айтилади. Ҳудди *radar* ёки НАТО сўзлари каби. Бу *BBC* ёки *the IMF* каби инициал аббревиатуралардан фарқ қилади¹⁰⁹.

— **Кичик ҳарфлар билан:** *kilograms* сўзини (*kilogrammes* эмас) *kg* каби, *kilometres per hour* ни *kph kilometers*, ёхуд *kg* (ёки *kilos*) ва *km miles per hour* ни *mph* каби қисқартириш мумкин. *kg, km, lb (never lbs), mph* ва бошқа ўлчов бирликларини шу каби қисқа шаклда ёзиш зарур. *ie, eg*, график қисқартмаларидан кейин нуқта қўйилмай, вергуль билан ажратиш керак. Ушбу ўлчов бирликлари микдорий рақамлар билан бирлашганча, рақам ва бирликлар ўртасида жой ташламай ёзилади: *11am, 4.30pm, 15kg, 35mm, 100mph, 78rpm*. Бироқ икки хил қисқартма ёнма-ён келганда, уларни бир-биридан ажратиб ёзилади: *60m b/d. b/d* нинг ёйилмаси *barrels per day* дир¹¹⁰.

— **Мансаб ва лавозим.** Ўзини қўллаб бўлмайдиган қисқартмалар: *Prof, Sen, Col*, ва ҳкз. Лекин *Lieut-Lieut-Commander* қисқартмаларни қўллаш мумкин. Юқоридаги ва *Rev* каби қисқартмалардан сўнг кишининг исми шарифи қўлланиши шарт: *the Rev Jesse Jackson* (ва *Prof Jackson* каби)¹¹¹.

¹⁰⁸ *Clays Suffolk. The Economist Style Guide*. Profile Books Ltd, London. 2005. p.7.

¹⁰⁹ Кўрсатилган манба: p.11.

¹¹⁰ Кўрсатилган манба: p. 18.

¹¹¹ Кўрсатилган манба: p. 27.

— HIV қисқартмасидаги *V* ҳарфи *virus* сўзининг қисқартмаси, шу сабаб *HIV virus* дейиш нотўғри.

— Валюта белгилари қисқартмаси рақамлардан аввал ёзилади, аммо ўқилгандан рақамдан кейин ўқиш зарур: €100 (ўқишда 100 euros).

— Миллион сўзи *m* штарзида қисқартирилади. Миллиард (billion) ва триллион раҳҳсонлари *bn* ва *trn* тарзида қисқартирилайб, тўлиқ ҳолда талффуз қилинади. 8m - 8 billion, £8m €8 billion. *Billion* бу мингта миллионга тенг. *Trillion* эса мингта миллиардга тенг.

— *ibid.* (лотинча *ibidem*, “бир хил жойда” сўзидан олинган) бу қисқартма барча илмий асарларда қўлланади ва иқтибос аввал айтиб ўтилган жойдан олинган эканини билдиради.

— *op. cit.* (лотинча *opere citato* сўзлари қисқартмаси бўлиб, ўзбек тилида: *Кўрсатилган ишдан*, каби) аввал айтиб ўтилган манбага ишора қилади.

— Атоқли отлар каби, акронимлар (NATO каби) кейинги қаторга бўғин кўчирилмайди¹¹².

¹¹² Кўрсатилган манба: р. 117.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.

1. Аббревиация усули индонез тилида янги сўз яшаш усулларида бири сифатида илм-фан, техника-технология, ижтимоий-иқтисодиёт каби соҳаларда юз бераётган юқори суратдаги ривожлантириш, ўсишни акс эттириб, бунинг натижасида янги кириб келган тушунчаларга ном беришда катта аҳамият касб этади.

Тил амалиёти тадқиқотлари шуни исботламоқда-ки, ҳажман қисқа тил белгилари мажмуи тарзидаги қисқартмалардан фойдаланиш энг тежамкор усулларида ҳисобланади.

2. Миқдор жиҳатидан қиёслаш мақсадида қисқартмалари кўриб чиқилган тиллар фаол лексика таркибида эгаллаган ўрни, уларни яъни қисқартма сўзларни ҳар томонлама – фонетик, морфологик, синтактик ва семантик томондан тадқиқ этиш зарур эканини кўрсатди. Генетик (келиб чиқиши) жиҳатидан индонез тилида мавжуд ва фаол истёъмолда бўлган аббревиатуралар уч гуруҳга бўлинар экан: 1) ўзлашган; 2) кўчирилган ва 3) автохтон. Бу турларга мансуб энг муҳим, кенг қўлланилиб келаётган қисқартмалардан мисоллар ажратилди (KBRI, DPR, Menlu, SMS, Internet).

3. Бу қисқартмалар турли соҳаларда тез-тез қўлланиши билан бирга, услубий бўёқдор экани билан ҳам ажралиб турадилар. Сиёсий даврада қўлланадиган бир қатор қисқартма сўзлар, масалан, тиббиёт, таълим, техника соҳаларидагилари билан мос келмай, мутахассис бўлмаганлар учун маъноси ҳам қоронғу бўлиб қолиши мумкин. (Мас. *demo* – *delman bermotor* (транспорт воситаси тури), *demo* – *demonstrasi* (оммавий номойиш))

Юқорида айтиб ўтилган ҳужжат – “Индонез тили имло қоидалари”да келтирилган қоида, шартлардан ташқари инглиз тилидаги аббревиатуралар учун амал қиладиган қоидалар билан ҳам танишиб чиқишимиз зарур. Бунга сабаб, бугунги кундаги глобаллашув натижаси ва инглиз тилининг жаҳон, хусусан Индонезия жамиятида тутган мавқеи шу тилда ифодаланган зарур тушунчалар ва уларнинг аббревиатуралари (замонавий ўзбек тилида кузатилаётгани каби) индонез тили фаол лексикаси таркибига кириб

бораётганидир. Мисол қилиб, *CD, DVD, PC (personal comp.), NATO, radar* кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Бу аббревиатураларни нутқда ифодалашда улар инглиз тили нормаларига кўра қандай талффуз қилинса, индонез тилида ҳам шундай айтилади. CD индонез орфоэпик нормасида “*чи–ди*” тарзида ифодаланиши керак эди, бироқ инглиз тили каби “*си–ди*” деб талаффуз қилинади.

Қизиқарли томони шунда–ки, бир тилнинг ўзида – инглиз тилида нашр қилинадиган *New York Times, Guardian, Times* ва *Washington Post* каби йирик нашрлар қисқартмаларга нисбатан ҳар хил муносабатда бўлиб, турли имло қоидаларига амал қиладилар. Индонез тилидаги даврий нашрларда ҳам бу каби ҳолатни кузатиш мумкин. Аммо энг тўғри, доимий стандарт аббревиация имло қоидаларига амал қиладиган ишонарли манба сифатида *KOMPAS*¹¹³ газетаси тан олинади.

4. График (шартли) қисқартма сўзларнинг миқдори катта бўлиб, субъектив асосда яшаш мумкин бўлса–да, улар учун ҳам қатъий ўрнатилган нормалар бор. Улар ҳақида асосан тадқиқотнинг сўнгги III БОБ да тўхталди. График қисқартмалар фақат ёзма шаклда қисқартирилиб, ўқилганда эса тўлиқ шаклида айтилади.

Лексик қисқартмалар график турдаги каби ёзма қисқартирилиб, улардан фарқли равишда, ўқилган, айтилганда ҳам шу қисқарган шаклни сақлаб қолади. Лексик қисқартмалар тўрт хил экани аниқланди. Булар: 1) инициал; 2) акроним; 3) бленд; 4) реверсив қисқартмалар.

Тадқиқот натижасига кўра, қисқартмаларнинг турлари орасида энг кенг тарқалгани *инициал* тарзда ясалган қисқартмалар бўлиб, унинг сабаби эса фан-техника соҳасида аббревиатураларнинг жуда кўп эканлигидир. Деярли барча барча қисқартма усулда ясалади деган хулосага келинди. Аммо тадқиқотлар сиёсат, даврий нашрлар таркибида акронимлар кўпроқ жой эгаллашини кўрсатмоқда.

¹¹³ www.kompas.com сайти орқали элэрон нашрлардан фойдаланиш мумкин.

Акронимлар сўз бирикмалари, кўшма отларнинг турли қисм, бўғинларидан тузилиши, бунда ташкил этган сўзларнинг маъноли қисмлари иккиламчи ва ҳосил бўладиган қисқартманинг сўз каби талаффузга қулайлиги бирламчи ўринда туриши кузатилди.

5. Реверсив қисқартмалар энг ёш аббревиация усули бўлиб, таҳлил учун нисбатан кам мисолларга эга бўлди. Уларни ҳосил қилишдан мақсад кўп ҳолларда аввалдан мавжуд сўз англатган тушунчага танқидий, эмоционал муносабат мавжудлиги ёки сўз бирикмаларини қисқартиргач аббревиатурада шу сўзларнинг умумий маъносини сақлаб қолиш. Масалан, *Politikus* – *poli-tikus*. Рус тилидаги мисол эса: СТУДЕНТ сўзига тузилган. Унга кўра бу сўз “*Сонное Теоритически Умное Дитя Естественнo Не желающее Трудиться*”

